

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги**

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

“Молия” кафедраси



**«КОРХОНАЛАР МОЛИЯСИ» ФАНИДАН
АМАЛИЙ
МАШҒУЛОТЛАРИНИ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА
УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**



Самарқанд-2019

Зайналов Ж.Р., Латипова Ш. «Корхоналар молияси» фанидан амалий машғулотларни ўтказиш бўйича услубий қўлланма. – Самарқанд: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2019. – 95 б.

Тақризчилар: Ходжаев Э.Н. – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Молия” кафедраси профессори, и.ф.н., Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи

Усмонова Л. – “XOSHIМ BOBO” ОК директори

Мазкур услубий қўлланма олий таълимнинг 230000 – “Иқтисод” таълим соҳасининг 5230600 – “Молия” таълим йўналиши талабалари учун мўлжалланган.

Услубий қўлланма Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Молия” кафедрасининг 2019 йил 26 ноябрь 4-сон баён йиғилишида муҳокама қилинди ва тасдиқланди.

Институт ЎУКнинг 2019 йил 20 декабрь 5-сонли баённомаси билан тасдиқланган.

КИРИШ

5230600 – “Молия” таълим йўналиши бўйича мутахассис кадрларни тайёрлашда «Корхоналар молияси» фани молиявий муносабатлар бўйича амалий кўникмаларни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. “Корхоналар молияси” фанидан амалий машғулотларни ташкил этиш ва ўтказишдан асосий мақсад – талабаларда турли мулкчилик шаклидаги корхоналарни ташкил этиш ва улардаги молиявий муносабатлар, шунингдек, корхоналарни бошқариш жараёнида тўғри молиявий қарорлар қабул қилиш мақсадида керакли маълумотларни тўғри танлаш, таққослаш ва тавсиялар ишлаб чиқиш бўйича талабаларда амалий кўникмалар ҳосил қилишдан иборат. Ушбу мақсадга эришиш учун эътиборингизга ҳавола этилаётган услубий қўлланма корхоналар молиясини бошқариш фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида ишлаб чиқаришни молиялаштириш ва маҳсулот реализацияси борасидаги жорий масалаларни, шунингдек, рақобат курашида омон қолиш, молиявий аҳволни барқарорлаштириш, харажатларни камайтириш ва даромадларни ошириш масалаларини ҳал этишга кўмаклашади. Бунинг натижасида талабанинг корхонани ривожланиш истиқболлари ва инвестицияларни жалб этиш нуқтаи назаридан амалий қарашлари янада такомиллашиб боради. Шунингдек, корхона бозор шароитида ўз даромадларини нафақат асосий фаолият ҳисобига ошириши, балки бошқа корхона ва ташкилотлар ишларида иштирок этиши, кўшимча соҳаларни ўзлаштириши орқали қонун томонидан тақиқланмаган бошқа имкониятлар ҳисобига ҳам умумий молиявий натижаларини ошириш каби жараёнлар билан ҳам танишади.

Услубий қўлланмада келтирилган топшириқ ва масалалар талабаларни мантиқий фикрлашга, меъёрий ҳужжатлар билан ишлашга ва фаолият юритаётган корхоналар фаолиятини таҳлил қилишга имкон беради.

Шунингдек, «Корхоналар молияси» фани қатор махсус ва ихтисослик фанлари, жумладан, “Корпоратив молия”, “Давлат молияси”, “Антиинкирозий молиявий бошқарув”, “Солиқлар ва солиққа тортиш”, “Молиявий рисклар назарияси” каби фанлар билан бевосита боғлиқ бўлиб, бу фанларнинг амалий жихатларини ўрганиш ва ўзлаштириш учун кўмаклашади.

1-МАВЗУ. “КОРХОНАЛАР МОЛИЯСИ” ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

1.1-мавзу. “Корхоналар молияси” фанининг мазмуни ва аҳамияти

Режа:

1. «Корхоналар молияси» фанининг предмети, мақсади ва вазифалари.
2. Молия тизимининг шаклланишида корхоналар молиясининг тутган ўрни ва моҳияти.

1-топширик

“Синквейн” (5 қатор) техникаси

1. “Корхона” тушунчасига синквейн тузинг.

Мақсад – категорияга характеристика бериш

Синквейн схемаси:

- 1-қатор – тушунча ва унга таъриф;
- 2-қатор – тушунчани тавсифловчи 2 сифат;
- 3-қатор – ушбу тушунча вазифалари тўғрисидаги 3 та феъл;
- 4-қатор – ушбу тушунча моҳияти тўғрисидаги 4 сўздан иборат сўз бирикмаси;
- 5-қатор – ушбу тушунча синоними (ушбу 5та хусусиятни жадвалда кўрсатиб ўтинг).

	5 та хусусиятлари
Тушунчанинг номи	Корхона
Сифати	
Феъл	
Сўз бирикмаси	
Синоними	

2-топширик

Корхоналар молияси ва мамлакат молия тизимининг ўзаро боғлиқлигини чизма орқали ёритинг.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. “Молия” ва “Корхоналар молияси” сўзлари қандай маънони англатади?
2. Молия ва корхоналар молиясининг вужудга келиш шарт-шароитлари нималардан иборат?
3. Молиянинг характерли белгиларига нималар киради?
4. Корхоналар молияси қандай функцияларни бажаради?
5. Корхоналар молиявий механизми нима?

3-топширик

Тест топшириқлари

1. Ҳар қандай молиявий муносабатнинг моддий асоси нима ҳисобланади?
 - a) Фоиз ундириш;
 - b) Ҳуқуқронлик ўтказиш;
 - c) Пул ва манфаат;
 - d) Моддий жиҳатдан нуфузини ошириб бориш.

2. Молиявий муносабатнинг юзага келиш асосий шартини қандай изоҳлайсиз?
 - a) Пул маблағларининг субъектлар ўртасидаги мақсадли ҳаракати;
 - b) Фойдани тақсимлашда пул муносабатларидан фойдаланиш;
 - c) Такрор ишлаб чиқаришда молиявий таъминот узлуксизлигига эришиш;
 - d) Молиявий барқарорликни ошириб бориш.

3. Корхона молияси тушунчаси нимани англатади?
 - a) Давлат ва корхоналар ўртасида юзага келадиган молиявий муносабатларни;
 - b) Акциядор ва компания ўртасидаги муносабатларни;
 - c) Корхоналар фаолиятини бошлаш ва назорат қилиш билан боғлиқ жараёнларни;
 - d) Корхонанинг пул маблағларини шакллантириш ва фойдаланиш билан боғлиқ бўлган пул муносабатлари йиғиндиси.


4-топширик

Қуйидаги жадвални тўлдириш:

№	Ўзига хос хусусиятлари	Корхоналар молияси	Корпоратив молия
1	Мақсади		
2	Асосий вазифаси		
3	Иқтисодий моҳияти		
4	Молия тизимидаги ўрни		
5	Фаннинг предмети		
6	Ташкилий тузилиши		
7	Тамойиллари		

5-топширик

Қуйидаги босқичларни кетма-кетликда асосланг:



1.2-мавзу. Иқтисодиётнинг эркинлашуви шароитида корхоналар молиясининг асослари

Режа:

1. Корхонанинг молиявий механизми.
2. Иқтисодиётнинг эркинлашуви шароитида корхоналар молиясини ташкил этиш асослари, уларни шакллантириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари.

1-топшириқ

“Корхоналар молияси” фанидан блиц саволлар

1. Корхоналар молияси – бу ...
2. Корхоналар молиясининг нечта функцияси мавжуд? Номларини айтинг.
3. Фаннинг предметини айтинг.
4. Фаннинг мақсади нимадан иборат?
5. Корхоналардаги молиявий муносабатларга мисол келтиринг.
6. Корхонанинг молиявий механизми нима?
7. Корхона қайси субъектлар билан молиявий муносабатга киришади?
8. Корхоналар молиясини тартибга солувчи қонунни айтинг.
9. Корхоналарда шакллантириладиган фондларни санаб ўтинг.
10. Молия нима?

2-топшириқ


Корхоналар молияси таянадиган тамойилларни тушунтириб беринг (жадвал).

№	Корхоналар молиясининг тамойиллари	Тамойилларнинг мазмуни
1	Молиявий хўжалик фаолияти соҳасида мустақиллик	
2	Иш натижасидан манфаатдорлик	
3	Ўз-ўзини молиялаштириш тамойили	
4	Воситаларни ўзиники ва бошқаларникига ажратиш тамойили	
5	Молиявий ресурсларни ташкил этиш тамойили	
6	Бюджет ва давлат нобюджет жамғармалари олдида ўз мажбуриятларини 1-навбатда бажариш тамойили	
7	Корхона фаолияти устидан	

	молиявий назоратни ўрнатиш тамоёили	
--	--	--

3-топширик

Қуйидаги чизмада корхоналардаги молиявий муносабатлар қайси субъектлар билан амалга оширилишини ифодаланг. Шунингдек, улар ўртасидаги муносабатлар бўйича хулоса ёзинг.



2.1-мавзу. Корхоналар молиявий муносабатларининг мазмуни ва уларни ташкилий-ҳуқуқий шакллари

Режа:

1. Корхоналар молиявий муносабатларининг мазмуни ва уларни мустаҳкамлаш.
2. Корхоналар ташкилий-ҳуқуқий шакллари ва уларнинг корхоналарни молиявий муносабатларига таъсири.

Бу – Элбек. У 24 ёшда, бош ошпаз бўлиб ишлайди. Билганлар, таомларини татиб кўрганлар “қўлинг дард кўрмасин” деб мақташади. Элбекнинг нияти алоҳида ошхона очиб ўз ишини бошлаш. Шу мақсадда у тоғаси, тажрибали тадбиркор – Анвар Мақсудовичга маслаҳат сўраб муурожаат қилди.



Бу – Анвар ака, аниқроғи Анвар Мақсудович – Элбекнинг тоғаси, бир корхонанинг раҳбари.



У жиянининг фикрини маъқуллади. Бунинг учун кўшни завод ошхонасини ижарага олишни маслаҳат берди. Бунинг ижобий тарафлари:

-50 та ўтириш жойи бўлган хона ва зарур ускуналарнинг асосий қисми бор; ижара нархи қиммат эмас, чунки завод раҳбарияти ходимларнинг овқатланиши уларга қимматга тушмаслигидан манфаатдор;

-сотув деярли кафолатланган. 200 нафар ходимдан 130–150 таси ҳафтасига 6 кун завод ошхонасида тушлик қилади.

Лекин салбий тарафлари ҳам бор:

-таомларнинг нархи шаҳардаги бошқа кафелардан 10% арзонроқ бўлиши шарт;

-нархларнинг ҳар қандай оширилиши заводнинг иқтисодий масалалар бўйича хизмати билан келишилиши керак бўлади.

Элбек иккиланиб қолди:

- Бу шароитда фойда олса бўлармикан?

- Билмадим, – деди Анвар Мақсудович, – ҳаммасини ҳисоблаб чиқиш керак. Сенга бунда ёрдам бераман. Бекорга директор бўлиб ишлаётганим йўк – пул ҳисоблашни биламан.

- Хўп, нимани ҳисоблаймиз?

- Биринчидан, бу ишни бошлаш учун сенга қанча маблағ керак бўлишини аниқлаб олишимиз керак. Иккинчидан, бундай бизнес сенга фойда келтириш–келтирмаслигини ҳисоб-китоб қилишимиз керак.


- Бу ҳисоб-китобларни мен тушуна олармиканман... Мактабда ўқиганимда баҳоларим аъло бўлмаган...

- Бу қийин эмас! Ҳаммаси тушунарли бўлиши учун сен қойилмақом қилиб тайёрлайдиган “шоҳ” таом – паловхонтўра мисолида ҳисоб-китоб қилиб кўрамиз. Энг муҳими ҳисоб-китобнинг мантиқий мазмуни ва асосий тушунчаларни ўзлаштириб олиш керак.

Лекин аввал бу ишнинг ҳуқуқий тарафини гапириб берай. Якка тартибдаги тадбиркорлар қонунга кўра умумий овқатланиш соҳасида фаолият юритиши мумкин эмас. Шунинг учун сен фирма – юридик шахс очишингга, таъсис этишингга тўғри келади. Юридик шахс - хусусий корхона (ХК) ёки масъулияти чекланган жамият (МЧЖ) шаклида бўлиши мумкин.

Хусусий корхонанинг афзаллиги бор. Унинг таъсисчиси корхона фаолияти натижасида олинган фойдани ўз бизнесидан тўлалигича солиқ тўламасдан дивиденд тарзида чиқариб олиши мумкин. Лекин ноқулай томони ҳам бор: агар хусусий корхона банкротликка учраса, унинг мулкдори корхона мажбуриятларини ўз шахсий мулки ҳисобидан қоплашга мажбур. Ҳуқуқшунослар буни “тўлиқ мулкый жавобгарлик” деб атайдилар.

Бу борада масъулияти чекланган жамият таъсисчилари кўпроқ химояланганлар. Тадбиркорликнинг бундай ҳуқуқий шакли унинг таъсисчиларининг жавобгарлиги улар таъсис этган ташкилотнинг мулки билан чекланганлиги сабабли шундай деб аталади. Бунда таъсисчилар ташкилотнинг қарзлари бўйича ўзларининг шахсий мулклари билан жавоб бермайдилар. Лекин ташкилот фойдаси ҳисобидан дивиденд олаётганларида 10% миқдорида солиқ тўлашлари керак бўлади.



Сен қайси шаклини танлайсан?

- Хусусий корхонани. Мен ўз кучимга ишонаман, касод бўлмайман!

У ҳолда сен ўз кафеингга директор бўлишинг керак. Қонун талаблари шундай. Лекин таваккал қилмаслик учун, биз ҳаммасини ҳисоб-китоб қилиб, аниқ режага кўра иш тутамиз.


Ўз ишингни бошлашинг учун харажат қилишинг керак бўлади. Масаллик сотиб олиш, ижарага жой олиш ва коммунал тўловларни амалга оширишинг учун маблағ керак бўлади. Мен сенинг ишинг учун бир йиллик муддатга 2 миллион сўм фоизсиз қарз бериб туришим мумкин.

Раҳмат тоға! Мен 8 миллион сўм тикаман, шунда жами 10 миллион бўлади. Яна менда электрда ишлайдиган СВП-печь бор, яна 3 қоп гуруч, бир қоп сабзи ва 20 литр ўсимлик мойи ҳам бор. Уларни ҳам ишлатсам бўладими?

Ҳа, албатта, бўлади. Ушбу маҳсулотлар нархини сўмда баҳолашинг ва кейин бизнесингга киритишни расмийлаштиришинг керак.

Печка деярли янги. 1 миллион сўмга баҳоласа бўлади. Масалликларни ҳам 1 миллион сўмга баҳоласа бўлади.

Демак, корхонангга 10 миллион сўм киритасан, шундан пул шаклида 8 миллион сўм, 1 миллион сўмлик СВП-печь ва яна 1 миллион сўмлик масалликлар. Молиячиларнинг тилида гапирадиган бўлсак, кафеингнинг устав капитали 10 миллион сўм бўлади.



Сизнинг 2 миллионингиз-чи? Устав капиталига киритилмайдими?

Агар бу пулларни сенга берсам ва сен уларни киритсанг – унда қиради. Бу ҳолда устав капитали 12 миллион сўмдан иборат бўлади. Аммо, мен пулни сенга эмас, балки сенинг фирмангга бераман. Шунинг учун мен берган пуллар устав капиталига кирмайди.

Қарзни кимга бераётганингизнинг нима фарқи бор? Ахир фирма бари-бир меники-ку.

Тўғри у сеники. Лекин ҳуқуқий нуқтаи назардан сен ва сенинг фирманг ҳар хил шахслардир. Сен жисмоний шахссан, фирманг эса - юридик шахс. Юридик шахс деб номланишининг сабаби шунда-ки, у табиат томонидан эмас, жамият томонидан яратилган.

Сенинг фирманг давлат рўйхатидан ўтказилиши билан мустақил субъект мақомига эга бўлади. Демак, сен унга киритган барча маблағлар сенинг мулкинг эмас, балки фирманинг мулки ҳисобланади. Демак, мен берган қарзни шахсан сен эмас, сенинг фирманг қайтариши керак бўлади.

Эслаб қоламиз:

Юридик шахс - бу белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган субъект, у қуйидагиларга эга:



- ўз таъсисчилари шахсий мулкидан алоҳида бўлган хусусий мулкка;
- тадбиркорлик билан шуғулланиш ҳуқуқига, шартномалар тузиш, қарз олиш-бериш ва ҳ.к. ҳуқуқларга;
- қонунчилик талабларига, тузилган шартномаларга риоя қилиш, солиқлар тўлаш ва ҳ.к. мажбуриятларга.

big.uz

*Хўш, суҳбатимизга хулоса ясайлик:
Нималар ҳақида келишиб олдик?*

Хулосалар:

- Биз завод ҳудудида кафе очиш қанчалик фойдали бизнес эканлигини хомчўт қилишни келишиб олдик.



Бизнесни хусусий корхона шаклидаги юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказишим керак ва мен унда директор бўламан.

Корхонамга 10 миллион сўмлик маблағ тикаман. Шу жумладан, 8 миллион сўм пул шаклида, 1 миллион сўмлик СВІІ-печъ ва 1 миллион сўмлик масаллик киритаман. Ушбу 10 миллион сўмлик маблағни устав капитали сифатида расмийлаштириш керак бўлади.

Бундан ташқари, сиз хусусий корхонамга яна 2 миллион сўмлик бир йил муддатга фоизсиз қарз берадиган бўлдингиз.

Хусусий корхона юридик шахс бўлиб, бизнес юритишнинг бошқа шаклларига қараганда афзалликка эга: унинг таъсисчиси дивидендлардан солиқ тўламайди. Шу билан бирга бунда таъсисчи корхона мажбуриятлари юзасидан ўзининг шахсий мулки билан тўлиқ мулкый жавобгар бўлади.

Таваққалчиликларни камайтириш учун етти ўлчаб бир кесамиз. Ҳисоб-китобларни палов тайёрлаш мисолида амалга оширамиз.



2.2-мавзу. Акционерлик жамиятлари молияси

Режа:

1. Акционерлик жамиятларини ташкил этиш ва уларнинг устав фондини шакллантириш.
2. Акционерлик жамиятларида бошқарув органлари ва уларнинг жамият молиявий муносабатларини амалга оширишдаги иштироки.
3. Жамият акциялари, дивидендлар ва уларни тўлаш тартиби.

1-топшириқ

Блиц саволлар:

1. Акциядорлик жамияти нима?
2. Акция нима?
3. Акциядорлик жамиятининг бошқарув органларини санаб беринг?
4. Дивиденд нима?
5. Акциядорлик шаклидаги тадбиркорликнинг қандай афзалликлари бор?

2-топшириқ

Тушириб қолдирилган сўзларни топинг.

Акциядорларнинг _____, _____
_____ ва _____
жамиятнинг бошқарув органларидир. Акциядорларнинг умумий йиғилиши
жамиятнинг юқори бошқарув органидир. Жамиятнинг кундалик фаолиятига
раҳбарлик қилиш ваколати _____
томонидан амалга оширилади. Жамият фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш
_____ томонидан амалга оширади.

Қуйидаги жадвални тўлдиринг. Бунда амалга ошириладиган иш турлари қайси бошқарув органининг ваколатига киришини тегишли сатрда ✓ белгисини қўйинг.

№	Амалга ошириладиган иш турлари	Акциядорларнинг умумий йиғилиши	Кузатув кенгаши	Ижроия органи
1	Жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш			
2	жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш			
3	жамиятнинг захира фондидан ва			

	бошқа фондларидан фойдаланиш			
4	Жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини (тафтишчисини) сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш			
5	Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш			
6	жамият уставига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш			
7	акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш ва акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш			
8	Мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш			

3-топширик

Жамиятнинг акциялари

Тушириб қолдирилган сўзларни топинг

Акциялар эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғозлар бўлиб, улар турига кўра _____ ва _____ бўлиши мумкин.

Акция бўлинмасдир. Агар акция умумий мулк ҳуқуқи асосида бир нечта шахсга тегишли бўлса, бу шахсларнинг барчаси бир _____ деб эътироф этилади ва акция билан тасдиқланган ҳуқуқлардан ўзларининг умумий вакили орқали фойдаланади.

Бир турдаги акция унга эгаллик қилувчи ҳар бир акциядорга шу турдаги акцияларнинг бошқа эгалари билан _____ бўлган ҳажмдаги ҳуқуқларни беради.

Оддий акцияларни имтиёзли акцияларга, корпоратив облигацияларга ва бошқа қимматли қоғозларга _____ га йўл қўйилмайди.

Акциялар мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида қайси юридик ёки жисмоний шахсга тегишли бўлса, ўша юридик ёхуд жисмоний шахс акциянинг эгаси — _____ деб эътироф этилади.

Оддий акциялар овоз _____ акциялар бўлиб, улар ўз эгасига дивидендлар олиш, жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини беради.

Ўз эгаларига дивидендларни, шунингдек жамият тугатилаётганда акцияларга қўйилган маблағларни биринчи навбатда олиш ҳуқуқини берадиган акциялар _____ акциялардир. Имтиёзли акциялар ўз эгаларига жамият фойда кўриш-кўрмаслигидан қатъи назар, муайян _____ лар олиш ҳуқуқини беради.

Акциянинг эгаси бўлган акциядорга овозга қўйилган масалани ҳал этишда овоз бериш ҳуқуқини берадиган оддий ёки имтиёзли акция жамиятнинг овоз берувчи акциясидир.

Чиқариладиган акцияларнинг турлари, уларни жойлаштириш, улар бўйича дивидендлар тўлаш тартиби жамият _____ да белгиланади.

Жавоблар: оддий, имтиёзли, акциядор, бир хил, алмаштириш, акциядор, берувчи, имтиёзли, дивиденд, устави

4-топширик

Тушириб қолдирилган сўзларни топинг

Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) акциядорлар олган жамият акцияларининг _____ қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг _____ валютасида ифодаланади. Жамият томонидан чиқариладиган барча акцияларнинг номинал қиймати _____ бўлиши керак.

Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) жамият мол-мулкнинг жамият кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган энг кам миқдорини белгилайди.

Жамият давлат мулки негизида ташкил этилаётганда ташкилотнинг (мол-мулкнинг) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда аниқланган бозор қиймати жамият устав фондининг (устав капиталининг) суммасини ташкил этади.

Жамият _____ акцияларни жойлаштириши шарт, шунингдек _____ акцияларни жойлаштиришга ҳақли. Жойлаштирилган имтиёзли акцияларнинг номинал қиймати жамият устав фондининг (устав капиталининг) _____ фоизидан ошмаслиги керак.

Жамият таъсис этилаётганда унинг барча акциялари жамият муассислари ўртасида жойлаштирилади.

Жавоблар: номинал, миллий, бир хил, оддий, имтиёзли, йигирма

Масала

Оддий акцияларни эмиссия қилиш натижасида жалб қилинган қўшимча капитал миқдори ($XK_{ж}$) қуйидагича аниқланади:

$$XK_{ж} = \frac{OAc * Dm * I * 100}{\sum ЖХК * (1 - X)}$$

$XK_{ж}$ – оддий акцияларни муомалага чиқариш натижасида шаклланган хусусий капиталнинг қиймати, %;

OAc – қўшимча муомалага чиқарилаётган оддий акциялар сони, дона;

Dm – ҳисобот даврида 1 та оддий акцияга тўғри келадиган дивиденд миқдори, сўм;

I – акционерларга соф фойдадан тўланадиган дивидендларнинг прогноз қилинган ўсиш индекси;

$ЖХК$ – оддий акцияларни муомалага чиқариш натижасида ҳосил бўлган хусусий капитал миқдори;

Х – акцияларни эмиссия қилиш харажатларининг эмиссия қилинган умумий суммага нисбати.

АЖ қиймати 72 млн. пул бирлиги бўлган қўшимча 1,2 млн. дона оддий акцияни муомалага чиқарди. Эмиссия харажатлари 2,16 млн. пул бирлигига тенг. Ҳисобот даврида 1 та оддий акцияга тўғри келадиган дивиденд миқдори 20 пул бирлигига, акционерларга соф фойдадан тўланадиган дивидендларнинг прогноз қилинган ўсиш индекси эса 1,05га тенг бўлса, оддий акцияларни муомалага чиқариш натижасида шаклланган хусусий капиталнинг қийматини аниқланг.

2.3-мавзу. Масъулияти чекланган жамиятлар молияси

Режа:

1. Масъулияти чекланган жамият тушунчаси ва уни ташкил этиш.
2. Масъулияти чекланган жамиятлар молиясини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари.

1-топширик

Қуйидаги саволга жавоб беринг:

Савдо билан шуғулланиш учун фирма очмокчи эдим. МЧЖ ва ХК корхона ўртасида қандай фарқ бор?

Фарқи жуда кўп. Асосийлари (жадвални тўлдирилинг):

№	Хусусий корхона	МЧЖ
1	“Хусусий корхона тўғрисида”ги қонуннинг 8-моддасига кўра, хусусий корхона (кейинги ўринда ХК деб юритилади) битта (abl.uz шарҳи) мулкдор томонидан тузилади, мулкдор унга тегишли мол-мулк беради ва унинг уставини тасдиқлайди. Хусусий корхона, агар унинг уставида бошқача қоида белгиланган бўлмаса, номуайян муддатга тузилади.	
2	ХК таъсисчиси фақат жисмоний шахс бўлади.	
3	Хусусий корхона номланишида «xususiy korxonа» ёки «ХК» аббревиатураси бўлади.	
4	ХК устав фонди бўлинмасдир	
5	ХК мулкдори корхонани раҳбар сифатида якка	

	бошқаради (вақтинчага бошқа жисмоний шахс зиммасига бошқариш вазифаси юкланиши мумкин).	
6	ХКда фаолиятида “йирик битим” тушунчаси йўқ ва раҳбар мустақил ҳал қилади.	
7	Солиқ кодекси 179-моддасига кўра, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаганидан кейин хусусий корхона мулкдори ихтиёрида қоладиган фойда суммасига солиқ солинмайди.	

2-топширик

1-савол

2014 йилда ташкил этилган фирманинг учта таъсисчиси бор. Улардан биттаси устав капиталига нотурар жой киритди, қолган иккитаси пул киритишган. 2018 йилда нотурар жойни киритган таъсисчи фирмадан чиқмоқда ва нотурар жойни қайтариб олмақчи. Қайси ҳолларда фирма нотурар жойни чиқаётган таъсисчига қайтаришга мажбур?

- Агар бундай қарорни учта таъсисчи биргаликда қабул қилишган бўлса
- Ҳар қандай ҳолатда мажбур
- Агар бу чиқаётган таъсисчининг қатъий талаби бўлса
- Ҳеч қандай ҳолатларда мажбур эмас

2-савол

Бизнес юритишнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларида қайси бирининг таваккалчилик даражаси энг юқори?

- Масъулияти чекланган жамият – чунки банкротликка учраган тақдирда таъсисчиларга унинг барча қарзларини қоплашларига тўғри келади
- Хусусий корхона, чунки унинг таъсисчиси корхона қарзлари бўйича ўзининг барча мол-мулки билан жавоб беради
- Хусусий корхона, чунки унда ҳамма нарса хусусий бўлади ва у давлат томонидан қўллаб-қувватланмайди
- Масъулияти чекланган жамият – чунки у давлат томонидан қўллаб-қувватланмайди

3-савол

Ким таъсисчи томонидан юридик шахснинг устав капиталига киритилган автомобилнинг мулкдори ҳисобланади?

- Юридик шахс, чунки таъсисчи уни устав фондига бадал сифатида киритади

- b) Таъсисчи ва юридик шахс автомобилнинг биргаликдаги мулкдорлари ҳисобланадилар
- c) Таъсисчи, чунки автомобиль уники ва унда зарур ҳужжатлар бор
- d) Таъсисчи ва юридик шахс автомобилнинг қиймати бўйича киритган улуши доирасида

4-савол

Масъулияти чекланган жамият афзаллиги нимада?

Унинг муассисларининг масъулияти жамиятга киритилган капитал билан чекланган

Директор бош бухгалтерсиз ишлай олади

У кичик бизнес субъекти сифатида банкдан имтиёзли кредит олиши мумкин

Камида 50 киши фаолият юритиши мумкин

5-савол

Хусусий корхонанинг афзаллиги нимада?

- a) Унинг таъсисчилари сони 50 тагача бўлиши мумкин, улар таъсис шартномасини имзолашга мажбурлар
- b) Унинг таъсисчиси бизнесдан дивиденд сифатида чиқариб олинмаган фойдадан солиқ тўламайди
- c) Унинг директори таъсисчи билан келишган ҳолда ўзига иш ҳақини исталган миқдорда белгилаши мумкин
- d) Исталган фаолият билан шуғуллана олмайди

6-савол

Юридик шахс банкдан кредит олди. Кредит учун ким жавобгар ҳисобланади?

- a) Юридик шахснинг ўзи
- b) Таъсисчилар ва юридик шахс биргаликдаги жавобгар бўладилар
- c) Юридик шахснинг таъсисчилари
- d) Таъсисчи бўлган жисмоний шахслар

7-савол

Якка тартибдаги тadbиркор умумий овқатланиш билан шуғулланишга ҳақлими?

- a) Кичик ҳажмларда бўлса ҳақли
- b) Агар лицензия олса, ҳақли
- c) Ҳақли эмас, бу тақиқланган
- d) Маблағи етарли бўлса, мумкин

3-топширик

Акциядорлик жамияти ва МЧЖда бошқаришнинг фарқли жиҳатлари

Фарқли жихатлар	Мулкчилик шакллари	
	Акциядорлик жамияти	Масъулияти чекланган жамият
Ҳуқуқий ҳолати		
Мулкка эгалик		
Бошқарув тузилмаси		
Ваколат ва мажбуриятлар		
Фойдани тақсимлаш		

4-топширик

1-савол

Наврўз арафасида, 20 март куни, кафе бир порцияси 10 минг сўмдан 200 порция палов тайёрлади. 110 порция кафенинг ўзида сотилди, улардан 105 порциясининг пули тўланди, 5 порция учун Наврўздан кейин ҳақ тўланади. Байрам арафасида олдиндан 100 минг сўм ҳақ тўлаган фирмага 80 порция жўнатилди. Кафенинг 20 мартдаги тушуми қанча бўлади?

- 2000 мин сўм
- 2100 минг сўм
- 1900 минг сўм
- Тушум бўлмаган

2-савол

Тушумга берилган қуйидаги таърифлардан қайси бири тўғри?

- Тушум – харидорга берилган товарлар қиймати
- Тушум – харидорлардан келиб тушадиган пуллар
- Тушум – сотилган ва пули келиб тушган товарлар ҳажми
- Тушум = Фойда

3-савол (10 тадан)

Фирма 1 февралда 100 000 минг сўмлик хизматлар кўрсатишга шартнома тузди. 5 февралда аванс сифатида 15 000 минг сўм келиб тушди. Март ойининг бошида қиймати 50 000 минг сўм бўлган ишларнинг биринчи

босқичи бажарилганлиги ҳақидаги далолатнома имзоланди. Фирманинг февраль ойидаги тушуми қандай бўлади?

- a) 0 сўм
- b) 50 000 минг сўм
- c) 100 000 минг сўм
- d) 85 000 минг сўм

4-савол

Қайси ҳолатда харидор аванс билан тўлаган пуллар тушум ҳисобланади?

- a) Агар харидор жами товар қийматини шартнома бўйича тўласа.
- b) Агар харидор товарни олиб кетган бўлса.
- c) Ҳеч бир ҳолатда аванс тушум ҳисобланмайди
- d) Аванс ҳар қандай ҳолатда ҳам тушум ҳисобланади

5-савол

Қуйидагилардан қайси бири корхонанинг инвестицион фаолиятига киради?

- a) Иш ҳақини тўлаш
- b) Хом ашё ва материалларни харид қилиш
- c) Кредит олиш
- d) Ускунани сотиб олиш

6-савол

- a) Қуйидагилардан қайси бири корхонанинг молиявий фаолиятига киради? Ходимдан хизмат сафаридан сўнг қолган пулларнинг кассага қайтарилиши Кредит сўндирилиши
- b) Қўриқлаш хизматига ҳақ тўлаш
- c) Хом ашё ва материаллар хариди учун ҳақ тўлаш

7-савол

- a) Қуйидагилардан қайси бири корхонанинг операцион фаолиятига киради? Дивидендларни тўлаш
- b) Кредит олиш
- c) Ҳисоб-китоб счётидаги қолдиқлар бўйича фоизларни олиш
- d) Товарни етказиб бериш учун олдиндан тўлов

8-савол

Январь ойи учун корхонанинг товар сотишдан олган тушуми 426 млн сўмни ташкил қилди. 1 январь ҳолатига харидорларнинг товарлар бўйича корхонадан қарзлари 34 млн сўмни ташкил қилган. 1 февраль ҳолатига харидорларнинг товарлар бўйича корхонадан қарзлари камайди ва 30 млн сўмга тенг бўлди. Корхона январь ойида қанча суммада пул маблағларини олган?

9-савол баёни.

Жамият иштирокчиларининг сони неча кишидан ошмаслиги лозим?

- a) Юз кишидан
- b) Эллик кишидан
- c) Ўн кишидан
- d) Бир юз йигирма кишидан

10 савол баёни.

Кимлар жамиятнинг иштирокчилари бўлиши мумкин?

- a) Юридик ва жисмоний шахслар
- b) Фақат юридик шахслар
- c) Фақат жисмоний шахслар
- d) Хорижий инвесторлар

3-мавзу. КОРХОНАЛАРДА МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА СОТИШ ХАРАЖАТЛАРИ, УЛАРНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ

3.1-мавзу. Корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари моҳияти

Режа:

1. Корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг моҳияти ва аҳамияти.
2. Корхоналарнинг асосий фаолияти бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари сметасини тузиш тартиби.

1-топшириқ

Корхоналарда барча харажат гуруҳларини изоҳланг:

Кўрсаткич номи	Ишлаб чиқариш таннархига киритилмайдиган	Ишлаб чиқариш таннархига киритилмайдиган	Молиявий фаолияти бўйича харажатлар	Фавқулодда зарар
Харажат мазмуни				
Таркибига кирувчи харажат турлари				

2-топшириқ

Масалаларни ишланг

1. 2017 йил декабрь ойининг охирида корхона 30 000 минг сўмга ускуна сотиб олди. Бир чорак давомида унинг амортизацияси 750 000 сўмни ташкил этади. 2018 йилги соф фойдани аниқлаш учун инвестициявий харажатларнинг қанча қисмини тушумдан айириш керак?

2. Қиймати 80 000 минг сўмлик бўлган ускуна 400 минг birlikдаги маҳсулот ишлаб чиқара олади. Маҳсулот бирлиги ҳисобида амортизация суммаси қанча бўлади?

3. Компания 360 000 минг сўмга микроавтобус харид қилди. Унумли фойдаланиш муддати - 12 йил. Ойига амортизация суммаси қанча бўлади?

3-топширик

Саволларга жавоб беринг.

1-савол

Дивиденд дегани нима?

- а) Бу бизнес унинг эгаларига тўлайдиган пул.
- б) Бу ўтган йилда ишлаб топилган соф фойданинг таъсисчилар оладиган қисми.
- с) Бу фойданинг бизнес эгалари ўзига оладиган қисми.

2-савол

Амортизация дегани нима?

- а) Бу асосий воситалар қийматини сотилаётган товар ва хизматлар қийматига аста-секин ўтказиб борилиши
- б) Бу асосий воситаларни товар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатишда ва уларни сотишда аста-секин ишлатиб борилиши
- с) Бу - инфляция ва миллий валюта қадрсизланиши шароитида ишлатилаётган асосий воситалар қийматининг қимматлашиши

3-савол

“Фойдани тақсимлаш” дегани нима?

- а) Бу фойданинг қанча қисми бизнесда қолиши, қанча қисми бизнесдан дивидендлар шаклида чиқариб олиниши тўғрисида қарор қабул қилиниши
- б) Бу таъсисчилар ўртасида уларнинг корхона устав фондидаги улушларига мутаносиб равишда фойдани тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилиниши.
- с) Бу таъсисчиларга уларнинг корхона устав фондидаги улушларига мутаносиб равишда фойдани тўлаш тўғрисида қарор қабул қилиниши.

4-савол

Корхона 2017 йил 31 декабрда ускуна сотиб олди. 2017 йилнинг соф фойдасига бу операция қандай таъсир кўрсатади?

- а) Фойда камаяди
- б) Фойда ўзгармайди

- c) Жавоб бериш учун маълумот етарли эмас
- d) Фойда кўпаяди

5-савол

Қуйида келтирилган асосий воситалар таърифларининг қайси бири тўғри?

- a) Асосий воситалар бу тадбиркорликда 1 йилдан кам фойдаланиладиган моддий активлар
- b) Асосий воситалар бу тадбиркорликда 1 йилдан ортиқ фойдаланиладиган моддий активлар
- c) Асосий воситалар бу тадбиркорликда 1 йилдан ортиқ фойдаланиладиган номоддий активлар

6-савол

Қуйидаги жавобларнинг қайси бирида инвестицияларга мисол келтирилган?

- a) Хом ашё ва материалларга пул қўйиш
- b) Бино ва ускуналарга пул қўйиш
- c) Ходимлар иш ҳақиға пул қўйиш

7-савол

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми кўпайганда ўзгарувчан харажатларнинг доимий харажатларга нисбати қандай ўзгаради?

- a) У камаёди
- b) У ўзгармайди
- c) *У кўпаяди
- d) Жавоб бериш учун маълумот етарли эмас

8-савол

Масала

Ўзгарувчан харажатлар 35 000 минг сўмни, доимий харажатлар эса – 15 000 минг сўмни ташкил этди. Корхонанинг операцион тушуми 10%га ошганда операцион харажатлар қанча фоизга ошади?

9-савол

Ўзгарувчан харажатлар 15 000 минг сўмни, доимий харажатлар эса – 10 000 минг сўмни ташкил қилади. Агар корхона тушуми 10%га ортса, умумий харажатлар қанчага ошади?

10-савол

Қайси ҳолларда доимий харажатлар ўзгаради?

- a) *Агар хона ижараси қиймати ошиб кетса
- b) Агар асосий хом ашё қиймати ошса
- c) Агар сотув ҳажми бирдан ошиб кетса
- d) Ҳеч қандай ҳолатда, доимий харажатлар ўз номи билан ўзгармайдиган харажатлардир

11-савол

Активларнинг қайсилари «жорий» деб аталади?

- a) *Бир йилдан кам муддатда сотиладиганлари
- b) Бизнесда фойдаланиладиган ва фойда келтирадиган барча активлар
- c) Бир йилдан ортиқ муддатда сотиладиганлари
- d) Жорий активлар мавжуд эмас

12-савол

Корхона шоколадли конфетларни ишлаб чиқаради:

Харажатлар	Қиймати (минг сўм)
хом ашё	55 000
ўрам	1 000
лицензия	200
ижара	25 000
Директор, бухгалтер ва бошқа идора (офис) ходимларининг иш ҳақи	800
ишчиларнинг ишбай иш ҳақи	5 000
ишчиларнинг доимий иш ҳақи	2 000
кўриқчилар иш ҳақи	100
Цехдаги ҳисоблагич бўйича электр энергияси учун тўлов	1 000
Жами	90 100

Доимий ва ўзгарувчан харажатларни ҳисобланг.

Ўзгарувчан харажатлар: _____ минг сўм

Доимий харажатлар: _____ минг сўм

13-савол

Операцион тушум операцион харажатларга тенг. Ўзгарувчан харажатлар 28 000 минг сўмни, доимий харажатлар эса – 12 000 минг сўмни ташкил этади. Корхонанинг тушуми 10%га камайган тақдирда, умумий харажатлар қанча фоизга камаяди?

14-савол

Қайси корхонада тушум камайиб кетишидан салбий оқибатлар юзага келиши хавфи юқорирок?

- a) *Умумий харажатларда доимий харажатлар улуши юқори бўлган корхонада
- b) Умумий харажатларда ўзгарувчан харажатлар улуши юқори бўлган корхонада
- c) Доимий харажатлар суммаси нолга тенг бўлган корхонада

15-савол

Ўзгарувчан харажатлар нега шундай деб аталади?

- a) Улар хом ашё ва материаллар қийматига қараб ўзгаради
- b) Улар инфляция ва валюталар курси барқарор эмаслиги сабабли ўзгаради
- c) *Улар тушумга қараб ўзгаради

16-савол

Доимий харажатлар нега шундай деб аталади?

- a) Улар инфляция ва валюталар курси барқарор эмаслиги сабабли ўзгаради
- b) *Улар тушумга қараб ўзгармайди
- c) Улар хом ашё ва материаллар қийматига қараб ўзгаради

17-савол

Қайси ҳолатда маҳсулот бирлигига тўғри келадиган доимий харажатлар кўпаяди?

- a) Агар сотилган маҳсулот миқдори барқарор бўлса
- b) Агар давр мобайнида сотилган маҳсулот миқдори ортса
- c) Маҳсулот бирлигига тўғри келадиган доимий харажатлар ҳар доим бир хил.
- d) *Агар давр мобайнида сотилган маҳсулот ҳажми камайиб кетса

18-савол

Ўзгарувчан харажатлар 200 000 минг сўмни, доимий харажатлар эса – 100 000 минг сўмни ташкил этади. Корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 4 бараварга камайганда умумий харажатлар қанчага пасаяди?

19-савол

Ўзгарувчан харажатлар 250 000 минг сўмни, доимий харажатлар эса – 50 000 минг сўмни ташкил этади. Корхонанинг тушуми 5 бараварга камайганда умумий харажатлар қанчага пасаяди?

20-савол

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми кўпайганда қуйида санаб ўтилган харажатлардан қайси бири камайди?

- a) Ўзгарувчан харажатларнинг умумий суммаси
- b) Доимий харажатларнинг умумий суммаси
- c) *Маҳсулот бирлигига тўғри келадиган доимий харажатлар
- d) Маҳсулот бирлигига тўғри келадиган ўзгарувчан харажатлар

21-савол

Ўзгарувчан харажатлар 100 000 минг сўми, доимий харажатлар эса – 50 000 минг сўми ташкил қилди. Агар корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2 баравар камайса, умумий харажатлар неча баравар камаяди?

3.2-мавзу. Корхона харажатларини режалаштириш ва молиялаштириш

Режа:

1. Корхоналарнинг асосий фаолияти бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ бўлган харажатларини режалаштириш ва молиялаштириш.
2. Корхоналарда маҳсулот таннархини шакллантириш жараёнларини бошқариш ва кўрсаткичларини таҳлил қилиш.

1-топширик

ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ

1. Маҳсулот таннархида ижтимоий заруратларга, солиқ ва йиғимларни тўлашга, махсус бюджетдан ташқари жамғармалар учун ажратмаларга йуналтириладиган манбани аниқланг?

- a) *Фойда
- b) Даромад
- c) Хусусий капитал
- d) Устав капитали

2. Ўзбекистон қонунчилигига мувофиқ, барча корхоналар учун биринчи навбатда тўланадиган тўловларни аниқланг?

- a) иш ҳақи тўлаш, амортизация харажатлари, суғурта ташкилотларига суғурта шартномасига оид муносабатлар бўйича суғурта бадалларини тўлаш
- b) стипендия тўлаш, бюджетга тўловлар ва ижтимоий суғурта жамғармаси (нафақа жамғармаси)га тўловлар
- c) *иш ҳақи тўлаш, бюджетга тўловлар ва ижтимоий суғурта жамғармаси (нафақа жамғармаси)га тўловлар
- d) нафақа тўлаш, бюджетга тўловлар ва коммунал хизматлар учун харажатларни амалга ошириш

3. Маҳсулот истеъмолчилари билан муносабатларда корхона қандай фаолият олиб боради?

- a) Мажбурий
- b) *Мустақил
- c) Танлов орқали
- d) Ҳукумат қарори асосида

4. Корхонанинг юқори бошқарув тузилмалари билан молиявий ресурсларнинг ички тармоқ тақсимооти бўйича ўзаро алоқаси қандай йўналишда амалга оширилади?

- a) *Горизонтал ва вертикал
- b) Ўнг ва чап
- c) Тўғри ва тескари
- d) Оддий ва мураккаб

5. Молиявий менежментга берилган таърифни топинг?

a) *Ўз хусусий маблағлари ва жалб қилинган капитални энг самарали ишлатиш ва максимал фойда олиш мақсаддарда молиявий оқимларни бошқаришни ташкил этиш

b) Ўз хусусий маблағларини энг самарали ишлатиш ва максимал фойда олиш мақсаддарда молиявий оқимларни бошқаришни ташкил этиш

c) Ўз хусусий маблағлари ва жалб қилинган капитални энг самарали ишлатиш ва максимал фойда олиш мақсаддарда молиявий тизимларни назорат қилиш

d) Ўз хусусий маблағлари ва жалб қилинган капиталдан минимал фойда олиш мақсадларида молиявий оқимларни бошқаришни ташқи фойдаланувчилар томонидан амалга ошириш

6. Молиявий дирекциянинг бўлинмалари келтирилган жавобни топинг?

a) Иқтисодий таҳлил бюроси, валюта операциялари бўлими, касаба уюшмаси

b) Режа иқтисод бўлими, бухгалтерия, маркетинг ва менежмент бўлими

c) Валюта операциялари бўлими, режа иқтисод бўлими, кадрлар бўлими

d) *Молиявий бўлим, режа иқтисод бўлими, бухгалтерия

7. Корхонада капитал қуйилмаларни амалга ошириш, бошқа корхонанинг низом капиталига маблағлар қуйиш ёки ўз акцияларини чиқариш билан боғлиқ бўлган сиёсатини топинг?

a) Маркетинг сиёсати

b) Менежмент сиёсати

c) *Инвестиция сиёсати

d) Капитал қуйилмалар сиёсати

8. Молиявий менежерлар гуруҳини етакчи молиявий менежер бошқаради, бундай гуруҳлар бир нечта бўлса ким бошқаради?

a) Бош бухгалтер

b) *Бош менежер

c) Директор

d) Таъсисчи

9. Молиявий бошқарувнинг вазифалари келтирилган жавобни топинг?

а) *Валютавий сиёсатни ишлаб чиқиш ва валютавий фаолиятни таъминлаш, молиявий режалаштириш, бизнесларнинг тузилишида иштирок этиш

б) Молиявий харажатлардан суғурталанишни таъминлаш, гаров, кадр, лизинг ва бошқалар операцияларни ўтказиш

с) Молиявий-хўжалик ва ташқи иқтисодий фаолиятни таҳлил қилиш, кадрлар ҳисобини юритиш

д) Молиявий-хўжалик ва ташқи иқтисодий фаолиятни олиб бориш, молиявий захира юритиш, бухгалтерия баланси ва бошқа маркетинг ҳужжатларини тузиш

10. Хўжалик юритишнинг қайси шаклида молиявий хизматчининг бўлиши талаб этилади?

- а) Кичик корхоналар
- б) Бюджет ташкилотлари
- с) Хусусий корхона
- д) *Ҳиссадорлик жамиятлари

11. Акционерлик жамиятларини юқори бошқарув органи бу - Нуқталар ўрнига керакли сўзни қўйинг?

- а) *Акционерлар умумий йиғилиши
- б) Акционерларнинг дивидендларини тақсимлаш бўйича йиғилиши
- с) Акциядорлар йиғилиши
- д) Коллектив йиғилиши

12. Акционерлик жамиятлари қандай фондни ташкил этишлари мумкин?

- а) Жамғарма фондини
- б) Жамоа фондини
- с) *Резерв фондини
- д) Ҳеч қандай

13. Акционерлик жамиятларининг резерв фонди қандай ҳужжат орқали расмий кучга эга бўлади?

- а) Тақдимнома
- б) *Устав
- с) Фармоиш
- д) Буйруқ

14. Акционерлик жамиятлари уставига ким ўзгартириш киритиши мумкин?

- а) Акционерлардан бири ўз таклифини овозга қўйиш орқали
- б) Жамият раиси
- с) Жамиятнинг ҳиссадорлари
- д) *Акционерларнинг умум йиғилиши

15. Акционерлик жамиятини устав капиталини ошириш ёки пасайиришни ким амалга оширади?

- a) *Акционерларнинг умумий йиғилиши
- b) Жамият раиси
- c) Жамиятнинг ҳиссадорлари
- d) Акционерлик жамиятининг филиал бошлиқлари

16. Акционерлик жамиятларининг зарарларини қандай фонд маблағлари ҳисобидан қопланади?

- a) Капитал ҳисобидан
- b) Фойда ҳисобидан
- c) *Резерв фонди ҳисобидан
- d) Маҳсус жамғарма фонди ҳисобидан

17. Корхонанинг пул фонди орқали қандай фаолият қўллаб-қувватланади?

- a) Тижорат банкларидан олинган қарзларни қайтариш
- b) Корхона муносабатлари
- c) *Кенгайтирилган ишлаб чиқариш
- d) Максимал фойда

18. Қуйидагилардан қайси бири корхонанинг инвестицион фаолиятига киради?

- e) Иш ҳақини тўлаш
- f) Хом ашё ва материалларни харид қилиш
- g) Кредит олиш
- h) *Усқунани сотиб олиш

19. Қуйидагилардан қайси бири корхонанинг молиявий фаолиятига киради?

- a) Ходимдан хизмат сафаридан сўнг қолган пулларнинг кассага қайтарилиши
- b) *Кредит сўндирилиши
- c) Қўриқлаш хизматига ҳақ тўлаш
- d) Хом ашё ва материаллар хариди учун ҳақ тўлаш

20. Қуйидагилардан қайси бири корхонанинг операцион фаолиятига киради?

- a) Дивидендларни тўлаш
- b) Кредит олиш
- c) Ҳисоб-китоб счётидаги қолдиқлар бўйича фоизларни олиш
- d) *Товарни етказиб бериш учун олдиндан тўлов

1-масала

Наврўз арафасида, 20 март куни, кафе бир порцияси 10 минг сўмдан 200 порция палов тайёрлади. 110 порция кафенинг ўзида сотилди, улардан 105 порциясининг пули тўланди, 5 порция учун Наврўздан кейин ҳақ тўланади. Байрам арафасида олдиндан 100 минг сўм ҳақ тўлаган фирмага 80 порция жўнатилди. Кафенинг 20 мартдаги тушуми қанча бўлади?

- e) 2000 мин сўм
- f) 2100 минг сўм
- g) 1900 минг сўм
- h) Тушум бўлмаган

2-масала

Фирма 1 февралда 100 000 минг сўмлик хизматлар кўрсатишга шартнома тузди. 5 февралда аванс сифатида 15 000 минг сўм келиб тушди. Март ойининг бошида қиймати 50 000 минг сўм бўлган ишларнинг биринчи босқичи бажарилганлиги ҳақидаги далолатнома имзоланди. Фирманинг февраль ойидаги тушуми қандай бўлади?

- e) 0 сўм
- f) 50 000 минг сўм
- g) 100 000 минг сўм
- h) 85 000 минг сўм


3-масала

Январь ойи учун корхонанинг товар сотишдан олган тушуми 426 млн сўмни ташкил қилди. 1 январь ҳолатига харидорларнинг товарлар бўйича корхонадан қарзлари 34 млн сўмни ташкил қилган. 1 февраль ҳолатига харидорларнинг товарлар бўйича корхонадан қарзлари камайди ва 30 млн сўмга тенг бўлди. Корхона январь ойида қанча суммада пул маблағларини олган?

4-мавзу. КОРХОНАДА ПУЛ ТУШУМИ, УНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА ТАҚСИМЛАШ

Режа:

1. Иқтисодиётининг эркинлашуви шароитида корхоналар фаолиятида баҳолар тизими.
2. Баҳонинг шаклланишига таъсир этувчи омиллар.
3. Корхонада маҳсулот сотишдан тушган тушум ва уни режалаштиришнинг моҳияти.
4. Тушумни режалаштириш усуллари.
5. Маҳсулот сотишдан тушган тушумни тақсимлаш тартиби.



Ўтган дарсда сен билан пул ҳаракати (Cash Flow) прогнозини ҳисоблаб чиқдик. Бу ҳисоб-китобларимиз бизнесингда қанча пул борлиги, улар қаердан келиши, нималарга сарфланиши ва қанча маблағ қолишини ойма-ой кўрсатди.

Ундан олдин эса молиявий натижалар прогнозини ҳисоблаган эдик. У тушумлар миқдорини кўрсатади (ёдингдан чиқарма: тушум ва пул - хар хил нарса). Бунда қилинадиган харажатларни ҳам ҳисобладик ва яқунда олиннадиган фойда ёки кўрилган зарарни чиқардик.

Пул оқимлари (Cash Flow) прогнозларини тузганимиздан кейин ҳисоб-китобларимизга бироз тузатиш киритишимизга тўғри келди, чунки молиявий харажатларимиз тўғрисида янги маълумотларни, яъни банкка тўланидиган фоизларни инобатга олишимиз керак эди.

Энди, учинчи муҳим ҳужжат - бухгалтерия баланси ҳақида гаплашиб оламиз. Баланс мулкдор учун жуда муҳим саволга: “айни пайтда бизнес нимага эга?” деган саволга жавоб беради. У аниқ бир санада бизнеснинг пулда ўлчанган “салмоғини” кўрсатади.



Тадбиркорлигинг аҳволи, авваламбор, у нимага эгаллиги билан белгиланади. Кафеингнинг бошланғич бойлиги нимадан иборат?

10 млн сўм пул, СВЧ-печ, 3 қоп гуруч, бир қоп сабзи ва 20 литр мой. Шундайми?

Бир қарашда шундай, лекин буларни шундайлигича балансга ёзиб бўлмайди. Балансда ускуна ёки масаллиқлар номлари бўйича эмас, балки мол-мулкнинг муайян гуруҳига тааллуқлилиги бўйича ҳисобга олинади.

Бунинг устига мол-мулкнинг миқдори доналаб ёки килолаб эмас, балки пулда ҳисобланади.

Кел, бу нарсаларни молиячилар тилида ифодалаймиз: СВЧ-печ эмас – асосий восита, қоплардаги гуруч, сабзи масаллиқлар эмас – товар-моддий захиралар...

Кафе фаолияти бошланганда 10 млн сўм пул мавжуд эди. Шундан 8 миллионини мен банкдаги ҳисобрақамига киритаман, яна 2 миллионини сиз бизнесимга 1 йилга қарзга беришни ваъда қилган эдингиз. Яна 1 миллион сўмлик асосий воситам бор - мен СВЧ-печни шунчага баҳолайман. Ва яна 1 миллион сўмим бор - товар-моддий захиралар шаклида (гуруч, сабзи ва мой).

Ҳа, бу бошқа гап. Буларнинг ҳаммасини бир сўз билан – активлар дейиш мумкин. Активлар бу корхонанинг келажакда наф олиш ниятида ишлатиладиган мулки. Бунда активлардан олинадиган наф уларнинг турига қараб турлича бўлади. Масалан, масаллиқлардан тушадиган наф – улардан палов пишириш ва уни сотишнинг мумкинлигида. Асосий воситалар ёрдамида сен маҳсулот чиқарасан. Пулдан тегадиган наф – улар сенга янги активларни сотиб олиш имконини беради. Активлар турлари кўп, лекин биз ҳозирча шу айтилганларнинг ўзи билан чекланамиз.



Сенинг активларингни жадвал шаклига келтираман:

	А	В	
1	Актив номи	Актив қиймати (минг сўм)	
2	Пул	10 000	
3	Асосий воситалар	1 000	
4	Товар-моддий захиралар	1 000	
5	Жами активлар	12 000	

Савол: бизнинг кафеимиз иш бошлаётганда илк активлар қаердан олинади? Улар осмондан тушмайди, албатта. Ҳар бирининг манбаи бор. Бу манбалар “пассивлар” деб аталади.



Бизнесингдаги активларнинг иккита манбаи мавжуд – сенинг маблағларинг ва мен берган қарз. Сен 10 млн сўмлик активларни киритасан (8 млн сўмини пулда ва 2 млн сумлик мол-мулк). Бу - сен устав капиталига киритган улуш. Бунинг эвазига сен таъсисчи ҳуқуқларини оласан – кафега эгалик қилиш, унинг фаолияти билан боғлиқ энг муҳим қарорларни қабул қилиш, дивидендлар олиш.

Устав капитали активларнинг таъсисчи томонидан киритилган манбаи сифатида пассив ҳисобланади. Фойда ҳам келгуси активларнинг худди шундай манбаи бўлади. Фойда бўлса, янги активлар ҳам – пул, дебиторлик қарзи, товарлар ва бошқалар пайдо бўлади.

Устав капитали ва фойда биргаликда хусусий капитални (ХК) ташкил қилади.

Хусусий капитал муайян муддатда қайтариладиган нарса эмас. Яъни корхона ўз таъсисчиларига нимадир қайтариши керак бўлган сана мавжуд эмас. Шу билан бирга ХК корхона активларининг қанча қисми таъсисчиларга тегишли эканлигини кўрсатади.

Тўғри тушундимми, хусусий капитал бу - мен бизнесга киритган пул ёки бошқа мулк дегани.

- Йўқ, нотўғри. Пул, ускуна ва масаллиқ - бу активлардир. Хусусий капитал эса киритилган барча активларнинг жами қиймати миқдордаги корхонанинг таъсисчиларга қарзидир. Фарқини сезаяпсанми?



Масалан, мен ўз тадбиркорлигимга 10 млн сўм пулда ва 100 млн сўмлик автомашина киритдим.

Бизнес ушбу активларни қабул қилди, унинг ХК эса (менинг олдимдаги қарзи) 110 млн сўмни ташкил этди. Эътибор бер, 110 млн сўм дейиляпти. Бунда киритилган пул миқдори ва автомашина нархи борасида аниқлик киритилаётгани йўқ. Кейинчалик киритилган пул бошқа активларни харид қилишга сарфланиши мумкин. Автомобиль эскириши ва ишдан чиқиши, сотиб юборилиши, аварияга учраб, ўз қийматини анча йўқотиши мумкин ва ҳ.к. Яъни мен ўз корхонамга берган активлар ишлатиб юборилиши мумкин. Лекин хусусий капитал (таъсисчи олдидаги қарздорлик) қолаверади. Шунинг учун уни активлар билан чалкаштирмаслигинг керак. Булар бутунлай бошқа-бошқа, солиштириб бўлмайдиган тушунчалардир.

ЭСЛАБ ҚОЛАМИЗ



Устав капитали ва фойда – бу пул ёки бошқа қимматликлар эмас. Бу бизнеснинг ўз эгаси олдидаги пул шаклидаги қарзидир.

© ORMA

- Тушунарли. ХК - бу бизнесимнинг менинг олдимдаги мавжуд қарзидир. Ваҳоланки, бизнес менинг олдимда қарздор экан, мен истаганимда бу пулни олишим мумкин экан-да?

Бу сени таажжублантириши мумкин. Лекин сенинг кафеингнинг бирорта ҳам активи сеники эмас. Бирортаси ҳам! Сен кондиционерни ёки кассадаги нақд тушумни шунчаки олиб кетиб, ўз эҳтиёжларингга ишлата олмайсан. Буларнинг ҳаммаси сен яратган фирманинг мулки. Шунини тушуниб етишинг керак-ки, бизнес пули ва сенинг шахсий пулларинг аниқ ажратилиши керак. Бунинг сабабларидан бири шундаки, хусусий капиталдан ташқари мазкур активларнинг бошқа манбаи ҳам бўлиши мумкин. Яъни корхонанинг бошқа шахслар - юридик ва жисмоний шахслар олдидаги мажбуриятлари. Сенинг мисолингда 2 млн сўмнинг манбаи мен сенга берган қарз. Ва бизнесинг 2019 йил 1 январда бу қарзни менга қайтариши керак.

- Демак, пассивлар таркибига нафақат хусусий капитал, балки бошқа мажбуриятлар ҳам кирар экан-да?

Тўғри. Мен сенинг тадбиркорлигингга қарз беришим билан унинг кредиторига айланаман. Менда 2 млн сўм 2019 йил 1 январга қадар қайтарилишини талаб қилиш ҳуқуқи пайдо бўлади. Лекин бу ҳали ҳаммаси эмас.

Масалан, таъминотчи ташкилот кафеингга икки ҳафта ичида тўлаб бериш шarti билан қарзга масаллиқлар берди. Унда сендан муддат тугаши билан тўловни талаб қилиш ҳуқуқи пайдо бўлади. Сенинг тадбиркорлик ишингда эса таъминотчи олдида мазкур қарз миқдорида мажбуриятларинг вужудга келади. Ва ҳоказо...



Мажбуриятлар жорий (қисқа муддатли) ёки узоқ муддатли бўлиши мумкин.

Жорий мажбуриятлар ўн икки ой давомида тўлаб берилиши керак.

12 ойдан ортиқ муддатда бажариладиган мажбуриятлар узоқ муддатли мажбуриятлар ҳисобланади.

Кел, энди 1.01.2018 йил ҳолатидаги активлар жадвалининг ўнг тарафига пассивлар устунини қўшамиз. Бу билан сен бизнесингни бошлаган пайтдаги балансни туздик ҳисоб.

1-жадвал

Бошланғич баланс (сўмда)

	А		В	
1	Активлар		Пассивлар	
2	Пул	10 000 000	Устав капитали	10 000 000
3	Асосий воситалар	1 000 000		Карз
4	Товар-моддий захиралар	1 000 000	Жами	
5	Жами	12 000 000		

Баланс

Баланс - корхона аниқ бир санада нималарга эгалик қилаётган бўлса, шуларнинг (активларнинг) ва ушбу активлар қаердан келиб қолганлигини кўрсатувчи манбаларнинг (пассивларнинг) рўйхати. Кўриб турганингдек, активлар суммаси пассивлар суммасига тенг.

Тадбиркорликда ҳеч қандай активлар осмондан тушмайди. Уларнинг барчаси, истисносиз мулкдор-таъсисчилардан ёки қарз берувчилардан келади.

ЭСЛАБ ҚОЛАМИЗ

Баланс - корхона аниқ бир санада нималарга эгалик қилаётган бўлса, шуларнинг (активларнинг) ва ушбу активлар қаердан келиб қолганлигини кўрсатувчи манбаларнинг (пассивларнинг) рўйхати.

Пассивлар мажбуриятлар ва хусусий капиталга бўлинади.

Активлар суммаси ҳар доим пассивлар суммасига тенг, чунки истисносиз барча активлар корхонага таъсисчилар томонидан киритилган ёки қарз мажбуриятлари ҳисобидан келиб тушган.

© ORMA

Аслида баланс сўзи лотинча “bilanx” сўзидан олинган. Бу икки товоқ маъносини англатади ёки тарозининг икки палласи деган гап. Бизнинг ҳам молиявий тарозимизнинг бир палласида барча активлар жойлашган,

иккинчисида ушбу активларнинг барча манбалари - мажбуриятлар ва хусусий капитал ўз аксини топган. Бу мувозанат ҳеч қачон бузилмайди.

ХУЛОСА ЧИҚАРАМИЗ:



Баланс - корхона айна вақтда нималарга эгалик қилаётгани ва ушбу нарсалар қаердан пайдо бўлганини акс эттирувчи “бир зумлик сурат”. У тадбиркорлик қийматини пулда ифодалайди. Баланс активлар ва пассивлар таркибини кўрсатади.

Активлар - бизнеснинг мол-мулки: пуллари, асосий воситалари, товар-моддий захиралари ва унга мижозларнинг қарзлари (дебиторлик қарзи).

Асосий воситалар айланмадан ташқари активлардир, чунки улар узоқ вақт хизмат қилади ва наф келтиради.

Товар-моддий захиралар – бу айланма активлар. Улар бир ишлаб чиқариш цикли мобайнида ишлатилади.

Пассивлар – бу активларнинг манбалари. Уларга хусусий капитал (устав капитали + фойда), бизнеснинг қарзлари (кредиторлик қарзи), олинган кредитлар ва бошқа қарзлар киради.

Устав капитали ва фойда - бу пул ёки бошқа қимматликлар эмас. Бу бизнеснинг унинг мулкдори - таъсисчиси олдидаги пулда баҳоланган қарзидир.

Активлар доим пассивларга тенг бўлади.

Баланс табиатдаги энергия сақлаш қонунининг иқтисодиётдаги кўринишидир: активлар бўшлиқдан пайдо бўлмайди, “осмондан тушмайди” - улар пассивлар ҳисобидан яратилади. Баланснинг икки томони - айна битта пул суммасининг икки жиҳатдан акс эттирилишидир, яъни пул маблағлари корхонага қаердан келгани (пассивлар) ва қаерга сарфлангани (активлар) ҳақида ахборот.

Пассивда фойда мавжудлиги таъсисчи уни шу заҳоти пулда олиши мумкин дегани эмас. Бунга маблағ етмаслиги мумкин: маблағлар дебиторлик қарзи (харидорлар қарзи) ичига “яширилган” ёки товар-моддий захиралар таркибида бўлиши мумкин ва ҳоказо.

Корхонанинг ҳисобрақамида пул кўп бўлган тақдирда ҳам, ушбу пуллар олдиндан тўланган аванслар, кредит ёки қарз маблағлари бўлиши, яъни корхонанинг ўз маблағлари бўлмаслиги мумкин.

1-топширик

Қуйидаги саволга жавоб беринг:

Бизнес ишида доимо ҳушёр бўлиш лозим. Шундай вазиятлар ҳам бўладики, фойда оласан, лекин пулинг бўлмайди.

- Ие, бу қанақаси? Фойда билан пул бир хил нарса эмасми? Пул билан фойданинг ўртасида тенглик белгисини қўйиб бўлмайдими?



2-топширик

Қуйидаги жадвални тўлдиринг:

Т/р	Кўрсаткичлар	Тушум	Фойда
1	Мазмуни		
2	Турлари		
3	Ўхшаш жиҳатлари		
4	Фарқли жиҳатлари		
5	Тақсимланиши		

3-топширик

Тушумларнинг тақсимланишини чизмада акс эттиринг



4-топширик

Корхоналарнинг ҳўжалик юритиш шаклига кўра турларини ёзинг.

5-мавзу. КОРХОНАЛАР ФОЙДАСИ, УНИНГ ТАҚСИМЛАНИШИ ВА ИШЛАТИЛИШИ

5.1. Корхоналар фойдасининг моҳияти

Режа:

1. Корхоналар фойдасининг мазмуни.
2. Иқтисодийётнинг эркинлашуви шароитида корхоналар фойдасининг аҳамияти.
3. Корхона ялпи ва соф фойдасининг моҳияти ва аҳамияти.

1-топшириқ

Қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланиб, корхонанинг охириги молиявий натижасини аниқланг:

№	Кўрсаткичлар	Миқдори
1	Реализациядан тушган тушум	9420
2	Маҳсулотнинг таннархи	71%
3	Асосий воситаларни ижарага беришдан тушган тушум	1251
4	Дивиденд сифатида олинган даромадлар	400
5	Асосий воситаларни сотишдан тушган тушум	1000
6	Асосий воситаларни молиявий ижарага беришдан олинган даромад	1587
7	Акцияларни сотишдан тушган тушум	550
8	Реклама харажатлари	280
9	Бюджетдан берилган субсидия	1000
10	Қарздорлар томонидан тан олинган жарималар	1200
11	Валюта бўйича салбий фарқ	95
12	Хизмат сафари харажатлари	500
13	Меъёридан ортиқча реклама харажатлари	750
14	Берилган моддий ёрдам	350
15	Суд чиқимлари	540
16	Енгил автомобилни сақлаш харажатлари	380
17	Ишлаб чиқаришни қайта жиҳозлаш билан боғлиқ бўлган маҳсулотлар сифатини ошириш бўйича харажатлар	620

2-топшириқ

Кўрсаткичларни аниқлаб, шаклни тўлдириг

Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан соф тушум	44734311
Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларнинг таннархи	27910716
Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишнинг ялпи фойдаси (зарари)	?

Давр харажатлари, шу жумладан:	?
Сотиш харажатлари	358504
Маъмурий харажатлар	2289332
Бошқа операцион харажатлар	4445700
Келгусида солиққа тортиладиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари	
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	268483
Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари)	?
Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами:	?
Дивидендлар шаклидаги даромадлар	79
Фоизлар шаклидаги даромадлар	6419
Узоқ муддатли ижара (лизинг) дан даромадлар	250698
Валюта курси фарқидан даромадлар	23294
Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари	152052
Молиявий фаолият бўйича харажатлар, шу жумладан:	?
Фоизлар шаклидаги харажатлар	177345
Узоқ муддатли ижара (лизинг) бўйича фоизлар шаклидаги харажатлар	48471
Валюта курси фарқидан зарарлар	0
Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар	0
Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси (зарари)	?
Фавқулоддаги фойда ва зарарлар	0
Даромад (фойда) солиғини тўлагунга қадар фойда (зарар)	?
Даромад (фойда) солиғи	805293
Фойдадан бошқа солиқлар ва йиғимлар	730519
Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари)	?

Кўрсаткичлар номи Наименование показателя	Сатр коди	Ўтган йилнинг шу даврида		Ҳисобот даврида	
		даромадлар (фойда)	харажатлар (зарарлар),	даромадлар (фойда)	харажатлар (зарарлар)
1	2	3	4	5	6
Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан соф тушум	010		х		х
Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларнинг таннари	020	х		х	
Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишнинг ялпи фойдаси (зарари) (сатр. 010 – 020)	030				
Давр харажатлари, жами (сатр. 050 + 060 + 070 + 080), шу жумладан:	040	х		х	

Сотиш харажатлари	050	x		x	
Маъмурий харажатлар	060	x		x	
Бошқа операцион харажатлар	070	x		x	
Ҳисобот даврининг солиқ солинадиган фойдадан келгусида чегириладиган харажатлари	080	x		x	
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	090		x		x
Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари) (сатр. 030 – 040 + 090)	100				
Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами (сатр. 120 + 130 + 140 + 150 + 160), шу жумладан:	110		x		x
Дивидендлар шаклидаги даромадлар	120		x		x
Фоизлар шаклидаги даромадлар	130		x		x
Молиявий ижарадан даромадлар	140		x		x
Валюта курси фарқидан даромадлар	150		x		x
Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари	160		x		x
Молиявий фаолият бўйича харажатлар (сатр. 180 + 190 + 200 + 210), шу жумладан:	170	x		x	
Фоизлар шаклидаги харажатлар	180	x		x	
Молиявий ижара бўйича фоизлар шаклидаги харажатлар	190	x		x	
Валюта курси фарқидан зарарлар	200	x		x	
Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар	210	x		x	
Умумҳўжалик фаолиятининг фойдаси (зарари) (сатр. 100 + 110 – 170)	220				
Фавқулоддаги фойда ва зарарлар	230				
Фойда солиғини тўлагунга қадар фойда (зарар) (сатр. 220 +/- 230)	240				
Фойда солиғи	250	x		x	
Фойдадан бошқа солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар Прочие налоги и другие обязательные платежи от прибыли	260	x		x	
Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари) (сатр. 240 – 250 – 260)	270				


5.2-мавзу. Корхоналар фаолиятида рентабеллик кўрсаткичлари

Режа:

1. Корхоналар фаолиятини рентабеллик кўрсаткичларини ҳисоблаш тартиби.
2. Фойданинг тақсимланиши ва ишлатилиш тартиби.
3. Корхоналар фойдасини шаклланишига таъсир этувчи омиллар ва уларни максималлаштириш.
4. Корхоналар фойдасини башоратлаш асослари.
5. Фойда шаклланишини башоратлаштириш.

1-топширик

Рентабеллик тушунчасига таъриф беринг:



2-топширик
«Фаррух-Асил-Боғлари» фермер хўжалигининг маҳсулот сотиш рентабеллигини таҳлил қилинг (минг сўм)

№	Кўрсаткичлар	Ҳисобот даврлари	
		2016 йил	2017 йил
1	Ишлаб чиқариш харажатлари	62424576	49625787
2	Давр харажатлари	3542653	3975392
3	Соф фойда	105375	1026
4	Рентабеллик коэффициенти (%)		

3-топширик
 Рентабеллик кўрсаткичларини аниқлаш формуласини жадвалда акс эттиринг

№	Рентабеллик кўрсаткичлари	Аниқлаш формуласи
1	Ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллиги	
2	Асосий воситалар рентабеллиги	
3	Сотиш бўйича рентабеллик	
4	Айланма активлар рентабеллиги	
5	Жами мулк рентабеллиги	
6	Ўз маблағлари рентабеллиги	
7	Қарз маблағлари рентабеллиги	
8	Асосий воситалар ва моддий айланма маблағлари рентабеллиги	

Масала

Агар корхонанинг йиллик тушуми 2,5 млн. сўмни, йиллик ўзгарувчан харажатлар 0,5 млн. сўмни, доимий харажатлар эса 1,2 млн. сўмни ташкил этса, корхона фойдасини аниқланг. Корхонада сотиш рентабеллигини ҳам аниқланг.

Масала

Қуйидаги кўрсаткичлар асосида озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қиладиган дўконнинг бир ойлик фойдаси ва ялпи фойда ҳамда соф фойда бўйича сотиш рентабеллигини аниқланг:

- 1 ойлик тушум 4500000 сўм,
- товарларга ўртача устама 22 фоизни ташкил этди,
- товарларни сотиб олиш учун кетган харажатлар 3510000 сўм,
- ойлик иш ҳақи харажатлари 400000 сўм,
- ижара ва коммунал тўловлар 230000 сўмни ташкил этди.

Масала

“Болажон” МЧЖ болалар учун махсус оёқ кийим ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона учун зарарсизлик нуқтасини аниқланг.

“Болажон” МЧЖ болалар учун махсус оёқ кийим ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона маълумотлари қуйидагича:

- Битта оёқ кийимнинг сотиш нарҳи - 20 000 сўм;
- Битта оёқ кийимни тайёрлаш учун кетган ўзгарувчан харажатлар - 12 000 сўм;
- Бир ойдаги доимий харажатлар – 1600 000сўм;
- Корхона ойига 300 дона оёқ кийим ишлаб чиқаради.

№	Кўрсаткичлар	Ҳисоблаш усули	Жавоби
1	Сотиш ҳажми	300*20 000	6000 000 сўм.
2	Ўзгарувчан харажатлар	300*12 000	3600 000 сўм.
3	Ялпи фойда	6000000-3600000	2400 000 сўм.
4	Доимий харажатлар		1600 000
5	Соф фойда	2400000-1600000	800000
“Болажон” корхонасининг оёқ кийимлари			
1	Сотиш нарҳи		20000 сўм.
2	Ўзгарувчан харажатлар		12 000 сўм.
3	Фарқи		8 000 сўм.

6-мавзу. КОРХОНАЛАРДА СОЛИҚ ВА СОЛИҚҚА ТОРТИШ ВА ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ФАОЛИЯТИ

6.1-мавзу. Корхоналарда солиқларнинг моҳияти ва аҳамияти

Режа:

1. Корхоналар даромадидан тўланадиган солиқларнинг моҳияти, аҳамияти ва туркумланиши.
2. Солиққа тортилувчи фойда миқдорини аниқлаш.
3. Амалдаги солиқ қонунчилигида корхоналар учун мавжуд солиқ имтиёзлари.

Фойда солиғини қуйидаги юридик шахслар тўлайди:

- Ўзбекистон резидентлари;
- Ўзбекистон норезидентлари,
республикамизда доимий муассаса орқали фаолият юритаётган ёки унинг ҳудудида жойлашган манбалардан даромад олаётган.



2019 йил 1 январдан бошлаб ўтган йил якунлари бўйича йиллик айланмаси (тушуми) 1 млрд сўмдан ошган ёки жорий йил давомида ушбу белгиланган чегаравий миқдорга етган корхоналар умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтадилар. Йил давомидаги ялпи тушумингиз 1 млрд сўмдан ошдими? Кейинги ойдан бошлаб корхона фойда солиғини тўлашга ўтиши лозим.

Солиқ солиш объекти

Солиқ солиш объекти бўлиб:

- Ўзбекистон Республикаси резидентларининг, шунингдек Ўзбекистон Республикасида доимий муассаса орқали фаолият юритаётган норезидентларининг фойдаси;
- Ўзбекистон Республикаси резидентларининг ва Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг чегирмалар қилинмаган ҳолда тўлов манбаида солиқ солинадиган даромадлари ҳисобланади.

Солиқ солинадиган база қандай аниқланади

Солиқ солинадиган базани тўғри аниқлаш учун “Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот”ни (2-шакл) тўлдиришда Молиявий ҳисобот шакллари тўлдириш бўйича қоидаларга ([рўйхат рақами 1209, 24.01.2003 йил](#)) амал қилиш лозим.

Солиқ солинадиган база жами даромаддан Солиқ кодексининг [142-145-моддаларида](#) назарда тутилган харажатларни чегириш орқали, солиқ

тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар ҳамда Солиқ кодексининг [159-моддасига](#) мувофиқ камайтириладиган суммалар инobatга олинган ҳолда ҳисоблаб чиқарилган солиқ солинадиган фойдадан иборат бўлади.

Жами даромад товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган соф тушум ҳамда Солиқ кодексининг [132-моддасида](#) кўрсатилган бошқа даромадларни ўз ичига олади.



Товар жўнатилганлиги (топширилганлиги), иш бажарилганлиги, хизмат кўрсатилганлигини тасдиқловчи ҳисобварақ-фактура, далолатнома, квитанция, чек ва бошқа ҳужжатлар реализация қилганликни тасдиқловчи ҳужжатлар ҳисобланади.

Соф тушум асосий (операцион) фаолиятнинг даромадларини ҳисобга олувчи (9000) счётлар маълумотлари асосида олинади.

Бошқа даромадлар асосий фаолиятдан бошқа даромадларни ҳисобга олувчи (9300) ҳамда молиявий фаолият бўйича даромадларни ҳисобга олувчи (9500) счётлар маълумотлари асосида аниқланади.

Қайси харажатлар чегирилади

Солиқ солинадиган фойдани ҳисоблашда жами даромаддан қуйидаги харажатларни чегириб ташлаш мумкин:

- моддий харажатлар (СК 142-моддаси);
- меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари (СК 143-моддаси);
- амортизация харажатлари (СК 144-моддаси);
- бошқа харажатлар (СК 145-моддаси).



Харажатлар асосланган ва ҳужжат билан тасдиқланган бўлиши керак. Улар операция санаси, суммаси, хусусиятини аниқлаш, иштирокчиларни идентификация қилиш имконини бериши лозим.

Харажатлар:

сотилган маҳсулот (товар, иш, хизмат)лар таннархини ҳисобга олувчи (9100) счётлар;

давр харажатларини ҳисобга олувчи (9400) счётлар, жумладан 9410 “Реализация харажатлари”, 9420 “Маъмурий харажатлар”, 9430 “Бошқа операцион харажатлар” счётлари;

молиявий фаолият бўйича харажатларни ҳисобга олувчи (9600) счётлар маълумотлари асосида аниқланади.

Солиқ солиш мақсадида солиқ солинадиган базага жумладан қуйидагилар қўшилади:

- товар (иш, хизмат)ларни таннархидан паст баҳоларда реализация қилишдан ва текин беришдан зарарлар;
- давлатнинг кўчмас мулкidan фойдаланганлик учун ижара ҳақининг энг кам ставкаларидан келиб чиқиб ҳисобланган ижара ҳақи миқдорининг шартномада белгиланган ижара ҳақи миқдоридан ошган суммаси;
- солиқ кодексининг 147-моддасида кўрсатилган харажатлар;
- бошқа шахслардан бепул олинган мол-мулк, мулкый ҳуқуқлар, ишлар ва хизматлар.
Тўлов манбаида солиқ солинадиган дивидендлар ва фоизлар солиқ солинадиган фойдадан чегириб ташланади.

Имтиёзлар

Фойда солиғи бўйича имтиёзлар Солиқ кодексининг [158-159-моддалари](#) ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланган.

Ставкалар (%да)

	2018 йилда амалда	01.01.2019 йилдан
Базавий ставка	14%	12%

Солиқ солинадиган база қандай ҳисобланади

Солиқни ҳисоблаш солиқ солинадиган база ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Солиқ солинадиган база қуйидаги формула бўйича аниқланади.

$$\text{ССБ} = \text{СТФ} + \text{ТПЗ} + \text{ТММ} + \text{ИХФ} + \text{ЧХ} - \text{ДФ} - \text{И};$$

Бу ерда:

СТФ – солиқ тўлангунга қадар фойда (зарар) (“Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот” - 2-сонли шаклнинг 240-сатри);

ТПЗ – товар (иш, хизмат)ларни таннархидан паст баҳоларда реализация қилишдан ва текин беришдан зарарлар;

ТММ – солиқ тўловчи томонидан бошқа шахслардан текин олинган мол-мулк, мулкый ҳуқуқлар, ишлар ва хизматлар;

ИХФ – давлатнинг кўчмас мулкidan фойдаланганлик учун ижара ҳақининг энг кам ставкаларидан келиб чиқиб ҳисобланган ижара ҳақи миқдорининг шартномада белгиланган ижара ҳақи миқдоридан ошган суммаси;

ЧХ – чегирилмайдиган харажатлар (солиқ солинадиган базага киритиладиган харажатлар);

ДФ – олинган (олиниши лозим бўлган) дивидендлар ва фоизлар;

И – имтиёзлар ва камайтириладиган суммалар.

Бунда, солиқ тўлангунга қадар фойданинг таркибида Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг [129-моддаси](#) учинчи қисмига мувофиқ солиқ тўловчининг даромади сифатида қаралмайдиган даромадлар ҳисобга олинган бўлса, ушбу суммалар солиқ солинадиган фойдадан чегириб ташланади.

Солиқ кодексининг [146-моддасига](#) мувофиқ ҳисобот даврида солиқ солинадиган базадан чегирилмайдиган, бироқ келгуси ҳисобот даврларида солиқ солинадиган базадан чегириладиган харажатлар мавжуд бўлса, илгари қилинган бундай харажатлар ўртасидаги фарқ солиқ солинадиган базага киритилади.

Бюджетга тўланадиган солиқ суммаси қандай ҳисобланади

Бюджетга тўланиши лозим бўлган фойда солиғи суммаси қуйидаги тартибда аниқланади.

$$\text{ФС} = \text{ССБ} \times \text{СС}$$

Бу ерда:

ФС - бюджетга тўланадиган солиқ суммаси;

ССБ – солиқ солинадиган база;

СС – солиқ ставкаси;

Фойда солиғи бўйича ҳисоботлар қачон тақдим этилади

Фойда солиғининг ҳисоб-китоби ортиб борувчи яқун билан ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил яқунлари бўйича эса, йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиш муддатида тақдим этилади.

Фойда солиғи бўйича жорий тўловларнинг суммасини аниқлаш учун ҳисобот чораги биринчи ойининг 10-кунигача тахмин қилинаётган солиқ солинадиган фойда ва солиқ ставкасидан келиб чиқиб ҳисобланган фойда солиғининг суммаси ҳақида маълумотнома тақдим этилади.

Юридик шахслардан тўлов манбаида олинадиган фойда солиғи ҳисоб-китоби тўлов амалга оширилган ҳисобот даври тугагандан кейин 25 кундан кечиктирмай тақдим этилади.



Тўлов манбаида солиқ солинадиган даромадлар олган шахслар тўғрисида СТИР, номи, даромади ва ушлаб қолинган фойда солиғининг умумий суммаси кўрсатилган маълумотномани солиқ даври тугаганидан кейин 30 кун ичида солиқ органига тақдим этишни унутманг.

Фойда солиғи қайси муддатларда тўланади

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини тўлаш қуйидагича амалга оширилади:

ҳисобот чорагида тахмин қилинаётган солиқ солинадиган фойдаси энг кам иш ҳақининг 200 бараваридан ошадиган солиқ тўловчилар ушбу фойда ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилган жорий тўловлар суммасининг 1/3 қисмини ҳар ойнинг 10-кунидан кечиктирмай тўлайди;

юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини тўлаш ҳисоб-китобларни топшириш муддатларидан кечиктирмай амалга оширилади.

Дивидендлар ва фоизлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси норезидентларига тўланадиган даромадлар бўйича юридик шахслардан тўлов манбаида олинадиган фойда солиғи даромадларни тўлаш санасидан кечиктирмай бюджетга тўланади.

Масала

Корхона I чорак учун фаолият якунлари бўйича қуйидаги кўрсаткичларга эга:

- Маҳсулотларни, ишларни, хизматларни реализация қилишдан соф тушум 250 000 минг сўм;

- Давр харажатлари- 25 800 минг сўм, шундан чегирилмайдиган харажатлар – 16 000 минг сўм;

- Молиявий фаолиятдан даромадлар (дивидендлар) – 18 000 минг сўм;

- Қиймати 820 минг сўмлик ускуна текинга олинган;

- Фойда солиғи тўлагунга қадар фойда (Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг-240-сатр) -124 000 минг сўм.

Бунда Корхона ҳисобот чорагида экология жамғармасига текинга бадал (500 минг сўм) ва ёш оилалар жумласидан бўлган ходимларининг ипотека кредитларини қоплаш бўйича бадал (3 800 минг сўм) ўтказди. Корхонанинг солиққа тортиладиган фойдаси суммасини аниқланг.

Ечилиши

Корхонанинг солиқ солинадиган фойдаси қуйидагича ҳисоблаб чиқилади:

Фойда солиғи тўлангунга қадар фойда + текинга олинган мол-мулк + чегирилмайдиган харажатлар – олинган дивидендлар ва 121 180 минг сўмни (124 000 + 820 + 16 000 – 18 000) ташкил этади.

Олинган дивидендлар суммаси солиқ солинадиган базадан чиқариб ташланади, чунки уларга тўлов манбаида солиқ солинади.

Корхона ҳисобот чорагида экология жамғармасига бадал ва ёш оилалар жумласидан бўлган ходимларининг ипотека кредитларини қоплаш бўйича бадал ўтказганлиги учун у солиқ солинадиган фойдани камайтиришга ҳақли, лекин қуйидагилардан кўп эмас:

Солиқ солинадиган фойданинг 2 фоизи – экология жамғармасига бадаллар бўйича (Солиқ кодекси 159-моддасининг 1-банди);

Солиқ солинадиган фойданинг 10 фоизи – ипотека кредитларига бадаллар бўйича (Солиқ кодекси 159-моддасининг 5-банди);

Экология жамғармасыга 500 минг сўм ўтказилган эди, бу солиқ солинадиган фойдадан 2 фоизга ($121180 * 2\% = 2423,6$ минг сўм) кам, тегишинча, солиқ солинадиган фойда ушбу харажатларнинг ҳақиқатдаги суммасыга, яъни 500 минг сўмга камаяди.

Ходимларнинг ипотека кредити бўйича бадаллари ўтказилган 3800 минг сўм солиқ солинадиган фойдадан 10 фоиз камни (12 118 минг сўм) ташкил этади, ва тегишинча, солиқ солинадиган фойдани тўлиқ ҳажмда камайтиради.

Камайтирилган солиқ солинадиган фойда суммасы Фойда солиғи ҳисоб-китобининг 090-сатрида ва Ҳисоб-китобга 2-сон илованинг тегишли сатрларида кўрсатилади.

Шундай қилиб, корхонанинг ҳисобот йили учун солиқ солинадиган базаси 116 880 минг сўмни ($121\ 180 - 500 - 3\ 800$) ташкил этади.

Фойда солиғи суммасы чорак учун 14 025,6 минг сўмни ($116\ 880 * 12\%$) ташкил этади.

1-топширик

Қуйидаги молиявий ҳисобот шаклларида фойдаланган ҳолда корхонанинг молиявий активларини, молиявий ҳолатини таҳлил қилинг.

1-жадвал

Бухгалтерия баланси (1-шакл)¹ молиявий йил бошидаги ҳолат бўйича, минг сўм

Кўрсаткичларнинг номи	01.01. 2016 йил	01.01. 2017 йил	01.01. 2018 йил	Ўзгаришлар суръатлари	
				(+ / -)	%
АКТИВ					
1. Узоқ муддатли активлар					
Асосий воситалар					
Дастлабки (тикланган) қиймати	258 141,0	258 141,0	289 899,1	31 758,1	112,3
Эскириш суммасы	145 890,2	156 052,3	165 915,4	9 863,1	106,3
Қолдиқ (баланс) қиймати	112 250,8	102 088,7	123 983,7	21 895,0	121,4
Номоддий активлар					
Дастлабки қиймат		1 000,0	1 000,0	0,0	100,0
Амортизация суммасы		200,0	400,0	200,0	200,0
Қолдиқ (баланс) қиймати	0,0	800,0	600,0	-200,0	75,0
Ўрнатилган ускуналар			20 000,0	20 000,0	
Капитал киритмалар	36 224,1	42 511,4	62 665,9	20 154,5	147,4
Узоқ муддатли дебитор қарздорлиги				0,0	
Узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар				0,0	
1-бўлим бўйича яқун	148 474,9	145 400,1	207 249,6	61 849,5	142,5
2. Жорий активлар					
Товар моддий захиралар, шу жумладан	78 924,8	94 143,4	95 154,4	1 011,0	101,1
Ишлаб чиқариш захиралари	31 159,4	37 501,6	25 342,3	-12 159,3	67,6

⁶ Корхона молиявий ҳисоботи асосида тузилган

Тугалланмаган ишлаб чиқариш	521,5	1 118,5	4 102,0	2 983,5	366,7
Тайёр маҳсулот	45 561,7	54 245,0	64 224,5	9 979,5	118,4
Товар	1 682,2	1 278,3	1 485,6	207,3	116,2
Дебиторлар жами	53 779,4	58 523,7	84 512,6	25 988,9	144,4
Шундан, муддати ўтиб кетганлар	5 945,1	10 524,1	19 694,6	9 107,5	187,1
Ҳаридорлар ва буюртмачилар қарздорлиги	41 589,2	46 825,3	75 254,6	28 429,3	160,7
Етказиб берувчилар ва пудратчилар томонидан берилган аванслар	11 753,9	10 725,0	7 286,3	-3 438,7	67,9
Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича аванс тўловлар	125,4	549,8	1 489,5	939,7	270,9
Давлат мақсадий фондларига ва суғурта бўйича аванс тўловлари	82,5	160,5	183,6	23,1	114,4
Бошқа дебиторлик қарзлар	228,4	263,1	298,6	35,5	113,5
Пул маблағлар жами, шу жумладан	10 584,9	8 371,4	7 538,5	-832,9	90,1
Кассадаги пул маблағлар	1,5	1,5	1,5	0,0	100,0
Ҳисоб рақамидаги пул маблағлар	10 853,4	8 369,9	7 537,0	-832,9	90,1
2-бўлим бўйича жами	143 559,1	161 038,5	187 205,5	26 167,0	116,2
Балансинг активи бўйича жами	292 034,0	306 438,6	394 455,1	88 016,5	128,7

ПАССИВ					
1. Шахсий маблағлар манбалари					
Низом суммаси	6 528,3	6 528,3	6 528,3	0,0	100,0
Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зара)	94 889,9	102 961,8	119 153,3	16 191,5	115,7
Бўлғувчи ҳаражатлар ва тўловларнинг резерви	28 954,6	31 008,5	29 298,1	-1 710,4	94,5
1-бўлим жами	130 372,8	140 498,6	154 979,7	14 481,1	110,3
2. Мажбуриятлар					
Узоқ муддатли мажбуриятлар, жами					
Узоқ муддатли банк кредитлари			36 000,0	36 000,0	
Жорий мажбуриятлар, жами шу жумладан	161 661,2	165 940,0	194 475,4	28 535,4	117,2
Жорий кредиторлик қарздорлиги	116 661,2	131 947,2	169 240,3	37 293,1	128,3
Улардан: муддати ўтиб кетган кредиторлик қарздорлиги				0,0	
Етказиб берувчилар ва пудратчиларга қарздорлик	62 951,4	66 465,3	87 561,8	21 096,5	131,7
Олинган аванслар	37 546,1	43 385,8	53 385,5	9 999,7	123,0
Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик	924,5	1 173,0	1 316,5	143,5	112,2
Давлат мақсадий фондларига тўловлар бўйича қарздорлик	126,4	326,3	631,9	305,6	193,7
Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарздорлик	10 854,4	15 258,4	17 095,9	1 837,5	112,0
Қисқа муддатли банк кредитлари	44 800,0	33 992,8	25 235,1	-8 757,7	74,2
Узоқ муддатли мажбуриятларнинг жорий қисми			9 000,0	9 000,0	
Бошқа кредиторлик қарздорликлар	4 458,4	5 338,4	9 248,7	3 910,3	173,2

2-бўлим бўйича жами	161 661,2	165 940,0	239 475,4	73 535,4	144,3
Баланс пассиви бўйича жами	292 034,0	306 438,6	394 455,1	88 016,5	128,7

2-жадвал

Молиявий натижалар ҳақидаги ҳисобот (2-шакл)²
2018 молиявий йил учун минг сўм

Кўрсаткичлар номи	Ўтган йилнинг тегишли даври учун		Ҳисобот даври учун		Ўзгаришлар суръатлари	
	даромад (фойда)	ҳаражат (зарар)	даромад (фойда)	ҳаражат (зарар)	(+ / -)	%
1	2	3	4	5	6	7
Маҳсулотлар (товарлар, ишлар ва хизматларни сотишдан соф тушум	226 146,1	дх	296 845,9	х	70 699,8	131,3
Сотилган маҳсулотлар (товарлар, хизматлар ва ишлар) нинг таннари	х	169 112,8	х	223 442,1	54 329,3	132,1
Маҳсулотлар (товарлар, ишлар ва хизматлар) ни сотишдан ялпи фойда (зарар)	57 033,3		73 403,8		16 370,5	128,7
Даврнинг ҳаражатлари, шу жумладан:	х	44 829,9	х	54 234,3	9 404,4	121,0
Сотиш бўйича ҳаражатлар	х	12 342,3	х	13 554,2	1 211,9	109,8
Маъмурий ҳажжатлар	х	31 233,4	х	39 256,9	8 023,5	125,7
Бошқа операциядаги ҳаражатлар	х	1 254,2	х	1 423,2	169,0	113,5
Асосий фаолиятдан бошқа даромадлар		х		х	0,0	
Асосий фаолият учун фойда	12 203,4		19 169,5		6 966,1	157,1
Молиявий фаолиятдан даромадлар жами, шу жумладан:	0,0	х	0,0	х	0,0	
Молиявий фаолият бўйича ҳаражатлар, шу жумладан	х	1 835,1	х	2 534,8	699,7	138,1
Фоизлар кўринишидаги ҳаражатлар	х	1 835,1	х	2 534,8	699,7	138,1
Умумий хўжалик фаолиятдан фойда (зарар)	10 368,3		16 634,7		6 266,4	160,4
Даромад (фойда) солиқ бўлагунга қадар фойда (зарар)	10 368,3		16 634,7		6 266,4	160,4
Даромад (фойда) солиғи	х	242,5	х	443,2	200,7	182,8
Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари)	10 125,8		16 191,5		6 065,7	159,9

² Корхонанинг молиявий ҳисоботи асосида тузилган

6.2-мавзу. Корхоналарда инвестицияларнинг моҳияти ва таснифи

Режа:

1. Инвестицияларга оид тушунчалар мазмуни, инвестиция таснифи, аҳамияти, инвестицион “портфели” ва сиёсати.
2. Инвестиция манбалари ва уларнинг корхонага қўйиш соҳалари.
3. Инвестициявий лойиҳалар самарадорлиги кўрсаткичлари, уларни аниқлаш, баҳолаш ва самарадорлигини ошириш йўллари.

Масала

Бирон – бир инвестиция лойиҳаси учун 140 миллион сўм инвестиция қилиш талаб этилади ва ундан кутиладиган натижа йиллар бўйича 18, 40, 75 ва 80 млн. сўмни ташкил этди.

Ўзгармас шароитда доимий дисконт ставкаси – 11%.

Лойиҳа бўйича соф жорий қиймат (NPV)ни аниқланг.

Масала

Фараз қилайлик, инвестиция лойиҳаси учун 140 млн.сўм миқдориди инвестициялаш кўзда тутилмоқда ва лойиҳани амалга ошириш жараёнида олинадиган пул тушумлари миқдори йиллар бўйича қуйидагини: биринчи йилда – 37750 минг сўм, иккинчи йилда – 42390 минг сўм, учинчи йилда – 47430 минг сўм, тўртинчи йилда – 51140 минг сўм ва бешинчи йилда 60030 минг сўмни ташкил этади. Бунда қопланиш муддати (PP) неча йилга тенг эканлигини аниқланг?

Масала

Банкнинг инвестицион фонд портфели 2 млрд. рублга, савдо фонд портфели 3 млрд. рублга ҳамда назоратли иштирок этиш портфели 0,5 млрд. рублга тенг. Йил якуни бўйича инвестицион фонд портфели банкка 25 фоиз, савдо фонд портфели 9 фоиз ҳамда назоратли иштирок этиш портфели 45 фоизга тенг даромадлиликни таъминлади. Банкнинг жами фонд портфели бўйича ўртача тортилган даромадлиликни аниқланг.

Ечилиши

$$\sum K_i = K_1 + K_2 + \dots + K_n = 2,0 + 3,0 + 0,5 = 5,5 \text{ млрд. руб.}$$

Средневзвешенную доходность по совокупному фондовому портфелю рассчитывают, исходя из стоимости (K_i) и доходности (D_i) каждого вида портфелей:

$$D_{\text{п}} = \frac{\sum K_i \times D_i}{\sum K_i} = \frac{2,0 \times 25 + 3,0 \times 9 + 0,5 \times 45}{5,5} = 18,1\%.$$

Масала

Акциянинг номинал баҳоси 200 пул бирлигига тенг. Агар дивиденд миқдори 30 фоизни, банк фоиз ставкаси 25 фоизни ташкил этса, акциянинг қимматли қоғозлар бозоридаги сотиш (курс) баҳосини аниқланг.

Масала. Агар:

- Жамиятнинг дивидендларни тўлаш учун ажратилган маблағи 500 млн. АҚШ долларига,
- Акцияларнинг умумий миқдори 4600 млн. АҚШ долларига,
- Имтиёзли акцияларнинг миқдори 400 млн. АҚШ долларига,
- Имтиёзли акция бўйича тўланадиган қатъий дивиденд 16 фоизга тенг бўлса, оддий акциялар бўйича тўланадиган дивиденд ставкасини аниқланг.

Тест топшириқлари:

1. Реинвестиция қилиш бу-
 - 1) Корхонанинг оладиган фойдасини ходимларга бериш
 - 2) Корхонанинг оладиган фойдасини солиқга тортиш
 - 3) Корхонанинг оладиган фойдасини корхона ишлаб чиқаришга ривожлантириш
 - 4) Тўғри жавоб йўқ

2. Корхоналарда облигациялар орқали шакллантирилган ресурслар қайси ресурслар таркибига киради
 - 1) Ўз маблағри
 - 2) Қарз маблағлари
 - 3) Жалб қилинган маблағлар
 - 4) Барча жавоблар тўғри

3. Пассив капитал қандай турларга бўлинади?
 - 1) Ўз ва қарз капитали
 - 2) Асосий капитал
 - 3) Айланма капитал
 - 4) Жалб қилинган маблағлар

4. Инвестициялаш портфелини шакллантиришда қўлланиладиган қайси принцип фақат пастроқ даражадаги фойда олишни таъминлайди?
 - 1) Диверсификациялаш принципи
 - 2) Консерватив принцип
 - 3) Меъёрдаги ликвидлилик принципи
 - 4) Адолатлилик принципи

5. Йўналтириш соҳаси ва объекти бўйича инвестицияларнинг қандай турлари мавжуд?
 - 1) Капитал
 - 2) инновацион
 - 3) ижтимоий
 - 4) Хусусий инвестицилар, хорижий инвестициялар

6. “Инвестиция” атамасига берилган тўғри таърифни топинг?
 - 1) Лотинча сўз бўлиб “қарз” маносини англатади
 - 2) Юнонча сўз бўлиб “тенглик” маносини англатади

- 3) Лотинча сўз бўлиб “қўйиш”, “маблағни сафарбар этиш” маносини англатади
 - 4) Инглизча сўз бўлиб “олиш”, “маблағларни сарфлаш” деган манони англатади
7. Қуйидагиларни қайси бири корхонадаги реал инвестициялар таркибига киради?
 - 1) Қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар
 - 2) Ишлаб чиқаришни кенгайтиришга қилинган инвестициялар
 - 3) Бошқа корхона акцияларини сотиб олишга қилинган инвестициялар
 - 4) Венчур капиталига қўйилган инвестициялар
 8. Қайси жавобда тўғридан-тўғри инвестициялар гуруҳлари берилган?
 - 1) Оддий ички инвестициялар
 - 2) Трансконтинентал ва транснационал инвестициялар
 - 3) Хусусий ва давлат инвестициялари
 - 4) Адолатлилик принципи
 9. Қарзга олинган ва жалб қилинган инвестицияни кўрсатинг.
 - 1) Акция ва облигацияларни чиқаришдан тушум
 - 2) Ортиқча мулкни сотишдан тушум
 - 3) Асосий фаолиятдан олинган фойда
 - 4) Асосий востияларни ижарага беришдан фойда
 10. Қуйидагиларни қайси бири корхонадаги портфел инвестицияларга киради?
 - 1) Бошқа ишлаб чиқариш ташкилоти активига қўйилган маблағлар
 - 2) Корхонадаги ноишлаб чиқариш соҳасини ривожлантиришга қўйилган маблағлар
 - 3) Яшаш жойларини ташкил қилишга қўйилган инвестициялар
 - 4) Инновацион лойиҳаларни ривожлантириш учун қўйилган инвестициялар

7-мавзу. КОРХОНАЛАРДА БАҲОНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Режа:


1. Бозор шароитида баҳони шакллантиришнинг омиллари ва хусусиятлари.
2. Бозор тараккиёти боскичларига кўра нарх шаклланишининг хусусиятлари.
3. Ишлаб чиқариш харажатларининг ва корхона фойдасининг баҳо шаклланишига таъсири.
4. Баҳони ҳисоблашда риск даражасининг баҳоланиши.

Тест

1. Курилиш маҳсулотлари (бинолар, иншоотлар ва б.)нинг баҳоси қайси баҳода тўланади?
 - a) Улгуржи
 - b) Прейскурант
 - c) Смета
 - d) Қатъий
2. Савдо ташкилотлари томонидан аҳолининг шахсий истеъмоли учун кичик миқдорларда сотиладиган неъматларга ўрнатилган баҳо қандай аталади?
 - a) Чакана
 - b) Улгуржи
 - c) Аукцион
 - d) Қатъий
3. ХЮСнинг улгуржи баҳосига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатувчи элементни топинг?
 - a) Молия
 - b) Пул
 - c) Хорижий валюта
 - d) Таннарх
4. “Харажатлар” тушунчаси “таннарх” тушунчасига нисбатан қандай тушунча?
 - a) Тор
 - b) Кенгроқ
 - c) Бир хил
 - d) Ўзгармас
5. Вақт омилига кўра баҳоларнинг қандай турлари бўлиши мумкин?
 - a) Доимий, мавсумий
 - b) Доимий, ўзгарувчан
 - c) Ўзгарувчан, бир хил
 - d) Доимий, бир хил

2-топшириқ

Баҳоларнинг функцияларини изоҳланг




3-топширик

Корхонада нарх (баҳо) белгилашда корхонага боғлиқ бўлган ва боғлиқ бўлмаган омилларни Т-жадвал орқали ифодаланг

Корхонага боғлиқ бўлган омиллар	Корхонага боғлиқ бўлмаган омиллар

4-топширик

Нарх шаклланишининг қуйидаги учта усулининг моҳиятини ёритинг.



8-мавзу. КОРХОНАЛАРНИНГ ЎЗ КАПИТАЛИНИ БОШҚАРИШ

8.1-мавзу. Корхона ўз капиталининг таркиби ва тузилиши

Режа:

1. Корхона ўз капиталининг таркибий тузилиши ва моҳияти.
2. Ўз капиталининг корхона молиясини бошқаришдаги аҳамияти.

Масала

Қуйидаги маълумотларга эга бўлган “Тошкентдонмахсулотлари” АЖнинг Мустақиллик коэффиценти, қарз ва хусусий маблағларнинг нисбати коэффиценти, жорий, тез ва мутлоқ ликвидлилик коэффиценти ҳамда рентабеллик (сотиш бўйича, ишлаб чиқариш харажатлари, жорий активлар, жами мулк рентабеллиги, ўз маблағлари рентабеллиги) коэффицентлари ни ҳисобланг:

- 1) Хусусий капитал – 25189143 минг сўм;
- 2) Корхона жами мулки – 129340746 минг сўм;
- 3) Қарз капитали – 104151603 минг сўм;
- 4) Жорий активлар – 102409336 минг сўм;
- 5) Жорий активлар ва ТМЗ ўртасидаги фарқ – (102409336-76672816) минг сўм;
- 6) Пул маблағлари билан қисқа муддатли молиявий инвестицияларнинг йиғиндиси (400484+0) минг сўм;
- 7) Жорий мажбуриятлар – 91235205 минг сўм;
- 8) Соф фойда – 926934 минг сўм;
- 9) Сотишдан олинган соф фойда – 120205523 минг сўм;
- 10) Ишлаб чиқариш харажатлари – 105799576 минг сўм.

Хусусий капитал элементларини баҳолашда қуйидаги кўрсаткичлар муҳим аҳамиятга эга:

1. Ҳисобот даврида фойдаланиладиган хусусий капиталнинг қиймати:

$$ХКҚ = \frac{СФ}{СК}$$

Бу ерда:

СФ – Хусусий капиталдан фойдаланиш натижасида акционерларга тўланган соф фойда миқдори;

СК – ҳисобот давридаги хусусий капиталнинг ўртача қиймати.

Ушбу кўрсаткич аввало жорий фаолиятда ҳисобланилади. Хусусий капитал қийматининг келажак (кейинги давр)даги қиймати эса қуйидагича аниқланади:

$$ХКҚ_k = ФХК_k * I_{\dot{y}}$$

Бу ерда:

ФХК_к – ҳисобот даврида фойдаланиладиган хусусий капитал қиймати;

I_y – соф фойдадан тўловлар ўсиш индексининг башорат қилинаётган бирлиги.

АЖДа тақсимланмаган фойданинг қиймати кейинги даврда фойдаланиладиган хусусий капиталнинг баҳосига тенглаштирилади.

2. АЖГа қўшимча жалб қилинаётган акционерлик капиталининг миқдори оддий ва имтиёзли акциялар бўйича алоҳида ҳисобланади.

Бунинг асосий сабаби улар бўйича тўланаётган дивиденд миқдорининг ҳар хиллиги билан ифодаланади.

Оддий акцияларни эмиссия қилиш қилиш натижасида шаклланган қўшимча жалб қилинган капитал миқдори қуйидаги кўрсаткичлар орқали аниқланади:

- оддий акцияларнинг эмиссия қилиш суммаси;
- ҳисобот даврида битта оддий акцияга ҳисобланган дивиденд суммаси;
- дивиденд шаклида акционерларга тўланган соф фойданинг прогноз қилинаётган ўсиш индекси;
- оддий акцияларни эмиссия қилиш билан боғлиқ харажатларнинг прогноз миқдори.

Оддий акцияларни эмиссия қилиш натижасида жалб қилинган қўшимча капитал миқдори ($XK_{ж}$) қуйидагича аниқланади:

$$XK_{ж} = \frac{OAc * Dm * I * 100}{\sum ЖХК * (1 - X)}$$

$XK_{ж}$ – оддий акцияларни муомалага чиқариш натижасида шаклланган хусусий капиталнинг қиймати, %;

OAc – қўшимча муомалага чиқарилаётган оддий акциялар сони, дона;

Dm – ҳисобот даврида 1 та оддий акцияга тўғри келадиган дивиденд миқдори, сўм;

I – акционерларга соф фойдадан тўланадиган дивидендларнинг прогноз қилинган ўсиш индекси;

$ЖХК$ – оддий акцияларни муомалага чиқариш натижасида ҳосил бўлган хусусий капитал миқдори;

X – акцияларни эмиссия қилиш харажатларининг эмиссия қилинган умумий суммага нисбати.

Имтиёзли акцияларни муомалага чиқариш натижасида жалб қилинган қўшимча капитал миқдори ($XK_{и}$) қуйидагича аниқланади:

$$XK_{и} = \frac{D * 100}{\sum XK_{и} * (1 - X)}$$

D – жамиятнинг уставдаги мажбуриятларига асосан кўзда тутилган дивидендлар миқдори;


I – эмиссион харажатлар.

Топширик

Қуйидаги маълумотлар асосида корхона балансини тузинг:

Ишлаб чиқариш захиралари	156312
Бюджетга солиқ ва йигимлар буйича бунақ туловлари	5761
Жорий мажбуриятлар жами	457048
Узок муддатли инвестициялар, жами	71
Капитал куйилмалар	47343
Товар-моддий захиралари, жами	528477
Тайёр махсулот	372165
Асосий восита бошлангич (кайта тиклаш) киймати	1369048
Бошка дебиторлик қарзлари	98
Устав капитали	767566
Жорий кредиторлик қарзлари	457048
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга қарз	81749
Бюджетга туловлар буйича қарз	165400
Меҳнатга ҳақ тўлаш буйича қарз	50148
Кимматли коғозлар	71
Асосий восита эскириш суммаси	370153
Мақсадли тушумлар	54410
Дебиторлар, жами	177913
Резерв капитали	473675
Бошка кредиторлик қарзлар	74781
Асосий восита қолдик (баланс) киймати	998895
Мақсадли давлат жамғармаларига туловлар буйича қарз	84970
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақлар	171500

1. Қуйидаги чизмани тўлдиринг:




2. Қуйидаги саволларга жавоб беринг:

Акциядорлик жамияти устав фондининг (устав капиталининг) миқдори ҳозир қанча миқдорда бўлиши лозим (минимал)?

Акциядорлик жамиятининг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш йўллари айтинг?

Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорларни қайси орган қабул қилади?

3. Корхонанинг капитали ўз (ички) манбалари ҳисобидан ҳам, қарзга олинган (ташқи) манбалар ҳисобидан ҳам шакллантирилиши мумкин. Буни чизма орқали ифодаланг:



4. Қуйидаги тушунчаларни изоҳланг.

№	Тушунча номи	Изоҳ
1	Устав капитали	
2	Резерв капитали	
3	Қўшилган капитал	
4	Тақсимланмаган фойда	
5	Мақсадли тушумлар	

8.2-мавзу. Корхона ўз капиталини шакллантириш сиёсати ва унинг элементларини баҳолаш

Режа:

1. Корхона ўз капиталини шакллантириш сиёсатининг асосий вазифалари ва ҳозирги замон муаммолари.
2. Корхона ўз капитални алоҳида элементларининг молиявий баҳоланилиши.
3. Эмиссия жараёнининг ўзига хос хусусиятлари.

Хусусий капитал самарадорлигини баҳолаш учун куйидаги коэффицентлардан фойдаланилади:

1. Қарздорлик коэффиценти (ҚК):

$ҚК = \text{ҳисобот даври охирига бухгалтерия баланси бўйича қарз капитални} / \text{шу даврга хусусий капитал миқдори}$

2. Молиялаштириш коэффиценти (МК):

$МК = ХК / \text{ҳисобот даври охирига бухгалтерия баланси бўйича қарз капитални}$

3. Молиявий мустақиллик коэффиценти (ММК):

$ММК = ХК / \text{Корхона жами мулки}$

4. Барқарор иқтисодий ўсиш коэффиценти (БИЎК):

$БИЎК = \text{ҳисобот даврида реинвестиция қилинган соф фойда (соф фойданинг асосий воситаларга капитал қўйилмаларни молиялаштиришга жалб қилинган соф фойда)} / \overline{ХК}$

5. Хусусий капитал таркиби коэффиценти (ХКТК):

$ХКТК = (\text{Устав капитални} + \text{қўшилган капитал} + \text{мақсадли молиялаштириш}) / (\text{Резерв капитални} + \text{тақсимланмаган фойда})$

$\text{Инвестицияланган капитал} = (\text{Устав капитални} + \text{қўшилган капитал} + \text{мақсадли молиялаштириш})$

$\text{Жамғарилган фойда} = (\text{Резерв капитални} + \text{тақсимланмаган фойда})$

5. Қуйидаги масалаларни ишланг.

АЖ қиймати 72 млн. пул бирлиги бўлган қўшимча 1,2 млн. дона оддий акцияни муомалага чиқарди. Эмиссия харажатлари 2,16 млн. пул бирлигига тенг. Ҳисобот даврида 1 та оддий акцияга тўғри келадиган дивиденд миқдори 20 пул бирлигига, акционерларга соф фойдадан тўланадиган дивидендларнинг прогноз қилинган ўсиш индекси эса 1,05га тенг бўлса, оддий акцияларни муомалага чиқариш натижасида шаклланган хусусий капиталнинг қийматини аниқланг.

Масала. АЖ қиймати 100 млн. пул бирлиги бўлган кўшимча 2,5 млн. дона оддий акцияни муомалага чиқарди. Эмиссия харажатлари 3,2 млн. пул бирлигига тенг. Ҳисобот даврида 1 та оддий акцияга тўғри келадиган дивиденд миқдори 35 пул бирлигига, акционерларга соф фойдадан тўланадиган дивидендларнинг прогноз қилинган ўсиш индекси эса 1,05га тенг бўлса, оддий акцияларни муомалага чиқариш натижасида шаклланган хусусий капиталнинг қийматини аниқланг.

Жамиятнинг акциялари Тушириб қолдирилган сўзларни топинг

Акциялар эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғозлар бўлиб, улар турига кўра _____ ва _____ бўлиши мумкин.

Акция бўлинмасдир. Агар акция умумий мулк ҳуқуқи асосида бир нечта шахсга тегишли бўлса, бу шахсларнинг барчаси бир _____ деб эътироф этилади ва акция билан тасдиқланган ҳуқуқлардан ўзларининг умумий вакили орқали фойдаланади.

Бир турдаги акция унга эгаллик қилувчи ҳар бир акциядорга шу турдаги акцияларнинг бошқа эгалари билан _____ бўлган ҳажмдаги ҳуқуқларни беради.

Оддий акцияларни имтиёзли акцияларга, корпоратив облигацияларга ва бошқа қимматли қоғозларга _____ га йўл қўйилмайди.

Акциялар мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида қайси юридик ёки жисмоний шахсга тегишли бўлса, ўша юридик ёхуд жисмоний шахс акциянинг эгаси — _____ деб эътироф этилади.

Оддий акциялар овоз _____ акциялар бўлиб, улар ўз эгасига дивидендлар олиш, жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини беради.

Ўз эгаларига дивидендларни, шунингдек жамият тугатилаётганда акцияларга қўйилган маблағларни биринчи навбатда олиш ҳуқуқини берадиган акциялар _____ акциялардир. Имтиёзли акциялар ўз эгаларига жамият фойда кўриш-кўрмаслигидан қатъи назар, муайян _____ лар олиш ҳуқуқини беради.

Акциянинг эгаси бўлган акциядорга овозга қўйилган масалани ҳал этишда овоз бериш ҳуқуқини берадиган оддий ёки имтиёзли акция жамиятнинг овоз берувчи акциясидир.

Чиқариладиган акцияларнинг турлари, уларни жойлаштириш, улар бўйича дивидендлар тўлаш тартиби жамият _____ да белгиланади.

Жавоблар: оддий, имтиёзли, акциядор, бир хил, алмаштириш, акциядор, берувчи, имтиёзли, дивиденд, устави

“Синквейн” (5 қатор) техникаси
 “Эмиссия” тушунчасига синквейн тузинг.
 Мақсад – категорияга характеристика бериш
 Синквейн схемаси:

- 1–қатор –тушунча;
- 2-қатор – тушунчани тавсифловчи 2 сифат;
- 3-қатор – ушбу тушунча вазифалари тўғрисидаги 3 та феъл;
- 4-қатор – ушбу тушунча моҳияти тўғрисидаги 4 сўздан иборат сўз бирикмаси;
- 5-қатор – ушбу тушунча синоними (ушбу 5та хусусиятни жадвалда кўрсатиб ўтинг).

Тушунчанинг номи	5 та хусусиятлари
Эмиссия	

Қуйидаги жадвални тўлдилинг:

№	Корхонада эмиссия	Жараёни	Мақсади	Вазифалари

Тушириб қолдирилган сўзларни топинг

Акциялар эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғозлар бўлиб, улар турига кўра _____ ва _____ бўлиши мумкин.

Акция бўлинмасдир. Агар акция умумий мулк ҳуқуқи асосида бир нечта шахсга тегишли бўлса, бу шахсларнинг барчаси бир _____ деб эътироф этилади ва акция билан тасдиқланган ҳуқуқлардан ўзларининг умумий вакили орқали фойдаланади.

Бир турдаги акция унга эгаллик қилувчи ҳар бир акциядорга шу турдаги акцияларнинг бошқа эгалари билан _____ бўлган ҳажмдаги ҳуқуқларни беради.

Оддий акцияларни имтиёзли акцияларга, корпоратив облигацияларга ва бошқа қимматли қоғозларга _____ га йўл қўйилмайди.

Акциялар мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида қайси юридик ёки жисмоний шахсга тегишли бўлса, ўша юридик ёхуд жисмоний шахс акциянинг эгаси — _____ деб эътироф этилади.

Оддий акциялар овоз _____ акциялар бўлиб, улар ўз эгасига дивидендлар олиш, жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини беради.

Ўз эгаларига дивидендларни, шунингдек жамият тугатилаётганда акцияларга қўйилган маблағларни биринчи навбатда олиш ҳуқуқини берадиган акциялар _____ акциялардир. Имтиёзли акциялар ўз

эгаларига жамият фойда кўриш-кўрмаслигидан қатъи назар, муайян _____лар олиш ҳуқуқини беради.

Акциянинг эгаси бўлган акциядорга овозга қўйилган масалани ҳал этишда овоз бериш ҳуқуқини берадиган оддий ёки имтиёзли акция жамиятнинг овоз берувчи акциясидир.

Чиқариладиган акцияларнинг турлари, уларни жойлаштириш, улар бўйича дивидендлар тўлаш тартиби жамият _____да белгиланади.

Жавоблар: оддий, имтиёзли, акциядор, бир хил, алмаштириш, акциядор, берувчи, имтиёзли, дивиденд, устави

Келтирилган жадвал маълумотлари асосида корхонанинг захира ва харажатларни қоплашга тегишли манбалар билан таъминланганлигини таҳлил қилинг.

Кўрсаткичлар	Йил бошига	Йил охирига	Фарқи
1	2	3	4
1. Ўзлик маблағларининг манбалари	89035	126582	
2. Узоқ муддатли активлар	30998	37202	
3. Захира ва харажатларни қоплашга тегишли ўзлик манбалари (1қ-2қ)			
4. Узоқ муддатли кредит ва қарзлар	-	-	-
5. Захира ва харажатларни қоплашга тегишли узлик ва узоқ муддатли қарз манбалари (3қ+4қ)			
6. Қисқа муддатли кредит ва қарзлар	4335	6460	
7. Захира ва харажатларни қоплашга тегишли жами манбалар (5қ+6қ)			
8. Захира ва харажатларнинг жами	60606	70343	
9. Захира ва харажатларни қоплашга ўзлик манбаларнинг етарлилиги (+) ёки етишмаслиги (-)			
10. Захира ва харажатларни қоплашга ўзлик ва узоқ муддатли қарз манбаларининг етарлилиги (+), етишмаслиги (-)			
11. Захира ва харажатларни қоплашга жами манбаларнинг етарлилиги (+), етишмаслиги (-) (7қ-8қ)			

Масала

1. АЖ нинг ҳар бир акциясининг қиймат нархи 100 сўм, бозор баҳоси эса донаси учун 600 сўм. Компания ҳар бир акция учун 20 сўм миқдоридаги чорақли дивидендни тўлайди. Йиллик ҳисобловда АЖ акцияларининг даромадлилиги қандай?

Ечими

Ҳеч нарса ўзгармаслик шарти билан 600 сўмга харид қилинганда, йиллик даромад 80 сўмни ташкил этади, унда даромадлилиги $F=80/600*100\%=13\%$ ташкил этади.

2. 2 млн. сўм низом маблағига эга бўлган АЖ яна 1000000 сўмга 10 минг дона оддий акция ва 500 000 сўмга йиллик ставкаси 20% фоиз бўлган 500 облигация чиқарди. Жамиятнинг соф даромади 250 минг сўм. Ҳар бир акцияга тўғри келадиган дивиденд миқдори аниқлансин.

Ечими

АЖ нинг низом маблағи акцияларни чиқарилиши билан 3 млн. сўмгача кўтарилади, унда у 30000 оддий акциядан ташкил топади.

Облигациялар бўйича тўловлар

$250*20\%=50000$ сўм

$250-50=200\ 000$ сўм

$200000/10000=20$ сўм. Ҳар бир оддий акцияга 20 сўм туғри келади.

3. АЖ нинг хорижий иштирокчиси ҳар бирининг қиймати 100 сўм бўлган 100 акциялар учун доллар билан 1доллар =100 сўм курси бўйича тўлади. АЖ унга тегишли бўлган акцияларни хорижий иштирокчидан сотиб олишга қарор қилди. Акциянинг бозордаги нархи сотиб олинмоқчи бўлган маҳалда ҳам қиймати бўйича қолган. Доллар курси 1 доллар учун 120 сўмгача кўтарилган. Хорижий иштирокчига акциялар учун қандай сумма туланади?

Ечими

Акциянинг бозордаги нархи сотиб олинмоқчи бўлган маҳалда ҳам қиймати бўйича қолганлиги туфайли хорижий иштирокчига ҳар бир акция учун 100 сўмдан туланади.

Масала.

“Юлдуз” АЖ ҳисобот йилида 60000 пул бирлигида соф фойдага эга бўлди. Жамиятнинг устав капитали 1000 дона оддий ва 50 дона имтиёзли акциялар ҳисобига шаклланган. Ҳар бир акциянинг номинал баҳоси 1000 пул бирлигига тенг. Жамият уставига асосан имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар улар номиналининг 20 фоизи миқдорида ҳисобланиши белгиланган. Акциялар акциядорлар ўртасида қуйидагича тақсимланган:

С.А.Рахимов – 500 дона оддий акция;

Б.Ш.Азизов – 30 дона имтиёзли ва 200 дона оддий акция;

Б.Х.Зокиров – 20 дона имтиёзли акция;

Б.Ш.Амиров – 300 дона оддий акция.

- 1 дона имтиёзли акция бўйича дивиденд қуйидагича ҳисобланади: 1000 пул бирлиги $*20\% = 200$ пул бирлиги
- Имтиёзли акциялар бўйича ҳисобланган умумий дивиденд миқдори қуйидагича тенг: 200 пул бирлиги $*50$ дона = 10000 пул бирлиги
- 1 дона оддий акция бўйича дивиденд қуйидагича тенг:

- $(60000-10000) / 1000 = 50$ пул бирлиги.
Демак,
- С.А.Рахимов – 500 дона оддий акция*50 п.б. = 25000 п.б.
- Б.Ш.Азизов – 30 дона имтиёзли акция *200 + 200 дона оддий акция *50п.б.=16000 п.б.;
- Б.Х.Зокиров – 20 дона имтиёзли акция*200 = 4000 п.б.;
- Б.Ш.Амиров – 300 дона оддий акция*50 п.б. = 15000 п.б.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Корхоналарда ўз капиталини таркиби нималардан иборат?
2. Муддати ўтган дивидентлар нима?
3. Корхона ўз капиталини шакллантириш сиёсатининг асосий вазифалари нималардан иборат?

Топшириқлар

1. Корхона ўз капиталини шакллантириш сиёсатининг ҳозирги замон муаммолари ўрганиб чиқинг.
2. Бирон бир корхона танлаб унинг ўз капитални таркибини ўрганиб чиқинг.

9-мавзу. КОРХОНА МОЛИЯВИЙ АКТИВЛАРИНИ БОШҚАРИШ


9.1-мавзу. Корхона молиявий инвестицияларининг моҳияти

Режа:

1. Корхона молиявий инвестицияларининг зарурлиги, моҳияти ва шакллари.
2. Корхона қимматли қоғозлари портфеллари ва инвестицион стратегияларининг турлари.
3. Корхона фонд портфелининг диверсификацияси. Корхона фонд портфели самарадорлигини баҳолаш.

1-топшириқ

Инвестиция жараёнининг 5 та босқичини кўрсатинг ва изоҳланг:




Масала

Корхона молиявий инвестициялар бўйича таклиф қилинаётган ҳар бирининг қиймати 2,5 млн. АҚШ доллари бўлган икки лойиҳани таҳлил

қилмоқда. Лойиҳа бўйича муқобил харажатлар (ёки фоиз ставкаси) 11 %га тенг. Қуйида келтирилган жадвал маълумотлари асосида ҳар бир лойиҳа бўйича соф жорий қийматни аниқланг ва лойиҳалардан қайси бири корхона учун фойдали бўлишини танланг.

Йил	А лойиҳа бўйича пул оқими, млн.\$	Б лойиҳа бўйича пул оқими, млн.\$
1	1,2	0,9
2	1,8	1,3
3	-	0,8

Топширик



Масала

1. 1358 сўмга олинган ва 1 йилдан сўнг 1850 сўмга сотилган акциянинг даромадлилигини аниқланг.
2. 5000 сўмга олинган ва 1 йилдан сўнг 28500 сўмга сотилган акциянинг даромадлилигини аниқланг.
3. 2585 сўмга олинган ва 1 йилдан сўнг 3540 сўмга сотилган акциянинг даромадлилигини аниқланг.

Тадбирлар	Моддий активга йўналтирилган инвестициялар	Номоддий активга йўналтирилган инвестициялар	Молиявий активга йўналтирилган инвестициялар
Корхона ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш учун ускуна сотиб олди			
Инвестор банкнинг жамғарма депозит ҳисобрақамига маблағ жойлаштирди			
Корхона эскирган ускуналарини замонавий техника-технологияларга алмаштирди			
Фирма концессия олди			
Компания товарларини сотиш учун масъулияти чекланган жамият ташкил этди			
Компания ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлари учун хом ашё сотиб олди			
Инвестор корхона облигацияларини сотиб олди			
Компания табиатни			

муҳофаза қилиш тадбирларини ўтказди			
Корхона илмий техник салоҳиятни кенгайтиришга маблағ сарфлади			

2-топширик

Мавзу бўйича талабалар билимини баҳолаш учун тест саволлари

1. Қимматли қоғозлар портфелини бошқариш актив усулининг мазмуни келтирилган жавобни белгиланг.
 - a) *Бозор ўзгарувчанлигида қушимча даромад олиш мақсадида портфел тузилмасини доимий равишда ўзгартиришни назарда тутади
 - b) Узоқ муддатга кўзланган истикболли олдиндан белгиланган риск даражасини яхши диверсификацияланган портфелни ўзида намоён этади
 - c) Бозор ўзгармас бўлган шароитда қушимча даромад олиш мақсадида портфел тузилмасини доимий равишда ўзгартиришни назарда тутади.
 - d) Қисқа муддатга мўлжалланган олдиндан белгиланган риск даражасини яхши диверсификацияланган портфелни ўзида намоён этади

2. Портфел тузилишини бошқариш, портфел рискини бошқариш ва портфел ликвидлигини бошқариш муносабатлари портфелни бошқаришнинг қайси усулларида ўз аксини топади?
 - a) Пассив усули
 - b) Актив усули
 - c) Интерфаол усул
 - d) Динамик усул

3. Жаҳон амалиётида қимматли қоғозлар портфелини бошқариш қайси назарияларга асосланади?
 - a) Марковиц-Смит
 - b) Тобин-Артилл Петер
 - c) Шарп-Кейнс
 - d) Марковиц-Тобин-Шарп

4. Қимматли қоғозлар портфелини шакллантиришнинг қайси усулида асосий эътибор юқори даромад келтирувчи, фоиз ва дивидендлари юқори бўлган қимматли қоғозларга қаратилади?
 - a) Ўсиш портфели
 - b) Даромад портфели
 - c) Пул бозори портфели

d) “Олтин қоидалар” портфели

5. Портфелнинг инвестицион сифатини ва инвесторнинг манфаатларига хос хусусиятларни ўзида мужассамлаштириш жараёни қандай аталади?

- a) Портфелни бошқариш жараёни
- b) Портфелни мониторинг қилиш жараёни
- c) Портфелни ўзгартириш жараёни
- d) Портфел таркибини оптималлаштириш жараёни.

3-топширик

Фараз қилинг, Сиз маълум бир маблағни бир йил муддатга инвестиция қилишга қарор қилдингиз. Япония давлат облигациялари бўйича йиллик фоиз ставкаси 3%ни, Қўшма Қироллик облигациялари бўйича эса 9%ни ташкил этади. Бошқа валютага нисбатан бир валютанинг баҳосини ўз ичига олган валюта курси 1 фунт стерлинг 150 иенага тенг.

Энди, тасаввур қилинг, Сиз ўз капиталингизни иенда қайсидир ишончли активга инвестиция қилмоқчи бўлган япон инвестори ҳисобланасиз. Япон облигацияларини сотиб олиб, Сиз ўзингизга 3%лик даромадни кафолатлайсиз. Агар Британиянинг давлат облигациялари сотиб олинса, иенада даромадлилик ставкаси бир йил ўтгандан кейин иена ва фунт стерлингнинг алмашув курси қандай бўлишига боғлиқ бўлади.

Фараз қилайлик, Сиз 100 фунт стерлингга Бирлашган Қиролликнинг облигацияларини сотиб олишга қарор қилдингиз. Буни қилиш учун, Сиз 15000 иенни фунт стерлингга конвертация қилишингиз лозим бўлади, яъни Сизнинг дастлабки сарфлайдиган маблағингиз 15 000 иенни ташкил этади. Бирлашган Қироллик облигацияларининг фоиз ставкаси 9% тенг бўлганлиги учун бир йилдан сўнг Сиз 109 фунт стерлингни оласиз. Бироқ бу пул миқдорининг иенга ўгирилган нархини олдиндан билиш имконияти йўқ. Сабаби: келажакда валюта курсининг қандай бўлишини ҳеч ким билмайди.

Мазкур операция натижасида олинган реал даромадлилик ставкаси қуйидагича бўлади:

$$D_{с(иен)} = (109 \text{ фунт стерлинг} * \text{иендаги келажак фунт стерлинг курси} - 15\,000 \text{ иен}) : 15\,000 \text{ иен}$$

Бу ерда:

$D_{с(иен)}$ - даромадлилик ставкаси (иен)

Тасаввур қилайлик, бир йилда фунт стерлинг курси тушиб кетди ва бир фунт 140 иенни ташкил этди. Бундай ҳолатда Бирлашган Қироллик облигациялари бўйича иендаги даромадлилик ставкаси қандай бўлади?

Масала

Дисконтлаштирилган қоплаш муддатини ҳисобланг

Т/Р	Кўрсаткичлар	0	1 йил	2 йил	3 йил	4 йил
1	Тушумлар, млн сўмда.		75	100	125	150

2	Дисконтлаштирилган тушумлар, млн. сўмда. (d=15%)					
3	Тўловлар (бошланғич инвестициялар)	330				
4	Қоплаш муддати (PP)					
5	Дисконтлаштирилган қоплаш муддати (DPP)					

Ушбу масалани ечишда қуйидаги формуладан фойдаланамиз:

$$FV = PV \cdot (1+d)^n$$

$$75 = PV \cdot (1+0,15)^1$$

Масала

Бирон – бир инвестиция лойиҳаси учун 220 миллион сўм инвестиция қилиш талаб этилади ва ундан кутиладиган натижа йиллар бўйича 48, 55, 95 ва 100 млн. сўмни ташкил этди.

Ўзгармас шароитда доимий дисконт ставкаси – 12%.

Лойиҳа бўйича соф жорий қиймат (NPV)ни аниқланг. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланамиз:

$$NPV = \frac{CF_1}{(1+d)^1} + \frac{CF_2}{(1+d)^2} + \dots + \frac{CF_t}{(1+d)^t} - I_0$$

$$\text{ёки } NPV = \sum_{t=1}^n \frac{CF_t}{(1+d)^t} - I_0$$

9.2-мавзу. Қимматли қоғозлар портфели мониторинги

Режа:

1. Қимматли қоғозлар портфели мониторингининг мазмуни.
2. Акционерлик жамияти қимматли қоғозлари инвестицион жалб этувчанлигини баҳолаш.
3. Портфел инвестициялар билан боғлиқ рисклар ва уларни бошқариш усуллари.

Масала

АЖнинг 2 млрд сўмга тенг устав капитали номинал баҳоси 1000 сўмлик оддий (80 фоиз) ва имтиёзли (20 фоиз) акциялардан ташкил топган. Имтиёзли акциялар бўйича тўланадиган дивидендлар миқдори номиналига нисбатан 14 фоиз миқдорида белгиланган. Агар акциядорлар умумий йиғилиши томонидан дивидендларни тўлаш учун соф фойданинг 200 млн. сўмини ажратишни режалаштирган бўлса, бир дона оддий акция бўйича эълон қилинган дивиденд миқдорини аниқланг.

Имтиёзли акцияга тўғри келадиган дивиденд миқдорини ҳисоблаймиз:

$$1000 \text{ сўм} \cdot 0,14 = 140 \text{ сўм, демак } 140 - 1000 = -860 \text{ сўм}$$

акцияга тўланадиган дивиденд миқдори

$$140 \text{ сўм} \cdot 2000000000 \cdot 0,20 / 1000 = 56000000 \text{ сўм}$$

$200000000 - 56000000 = 144000000$ сўм
 $144000000 / (200000000 * 0,8 / 1000) = 90$ сўм, яъни бир оддий акция
номиналининг 9 фоизи миқдорида дивиденд тўланади

Масала

Устав капитали 50,0 млн рубль бўлган жамиятда 10000 дона акция чиқарилган, шундан 10 фоизи имтиёзли акция. Акциядорлар ўртасида тақсимланиши кутилаётган йиллик соф фойда миқдори 17800000 рублни ташкил қилади. Имтиёзли акциялар бўйича қатъий белгиланган дивиденд миқдори йиллик 45 фоизга тенг. Бир дона оддий акцияга тўғри келадиган дивиденд миқдорини аниқланг.

Дастлаб имтиёзли акциялар сонини аниқлаймиз

$$10000 * 0,1 = 1000 \text{ дона}$$

Акциянинг номинал баҳосини аниқлаймиз

$$50000000 / 10000 = 5000 \text{ рубль}$$

Барча имтиёзли акцияларга тўғри келадиган дивиденд миқдорини аниқлаймиз

$$1000 * 5000 * 0,45 = 2250000 \text{ рубль}$$

Оддий акцияларга тўғри келадиган соф фойда миқдорини аниқлаймиз

$$17800000 - 2250000 = 15550000 \text{ рубль}$$

Бир дона оддий акцияга тўғри келадиган дивиденд миқдорини аниқлаймиз

$$15550000 / (10000 - 1000) = 1727,8 \text{ рубль}$$


Масала

Корхона номинал баҳоси 100,0 минг рубль бўлган имтиёзли акцияни 120,0 минг рублдан харид қилди. Акция бўйича ваъда қилинган қатъий дивиденд йиллик 25 фоизга тенг. Тўққиз ой ўтганидан сўнг чорак учун дивидендлар тўлаб берилгач, акциялар 110 минг рублга сотилди. Корхонанинг ушбу операциядан олган даромадини аниқланг.


Масала

Жамиятнинг рўйхатдан ўтган 30000 дона оддий акцияларидан 29000 донаси акционерларга сотилди. Жамият кейинчалик акция эгаларидан 1500 дона акцияни қайта сотиб олди. Йил якуни бўйича акциядорларнинг умумий йиғилиши соф фойданинг 60,5 млн. рублни дивиденд кўринишида тўлаб бериш бўйича қарор қабул қилди. Бир дона акцияга тўғри келадиган дивиденд миқдорини аниқланг.

Қуйидаги чизманинг бўш катакчаларини тўлдилинг:



Қимматли қоғозларни харид қилишда тадбиркор учун энг асосий омил бу уларнинг даромадлиги бўлиши керак. Уни қуйидаги формула орқали ҳисоблаш мумкин:



Бу ерда даромадни 2та йўл билан аниқлаш мумкин:

- сотиш ва сотиб олиш курси ўртасидаги фарқ сифатида;
- битта қимматли қоғозга дивиденд курилишида олинган даромад миқдори сифатида (облигациялар бўйича - фоиз).



Шундай қилиб, бу акция бўйича 1 йилда унга дастлаб киритилган маблағнинг 20% миқдорида даромад олинган.

Ҳисоблаш учун масалалар

1358 сўмга олинган ва 1 йилдан сўнг 1850 сўмга сотилган акциянинг даромадлигини аниқланг.

5000 сўмга олинган ва 1 йилдан сўнг 28500 сўмга сотилган акциянинг даромадлигини аниқланг.

2585 сўмга олинган ва 1 йилдан сўнг 3540 сўмга сотилган акциянинг даромадлигини аниқланг.

Масала

Компания харажатларининг умумий суммасини характерловчи кўрсаткичлардан бири компания фаолиятига аванслаштирилган капитал баҳоси ҳам характерлайди ва капиталнинг ўртача тортилган баҳоси дейилади.

$$WACC = \sum_{j=1}^{\pi} k_j \cdot d_j$$

Бунда k_j - j - маблағ манбаси баҳоси; d_j - маблағарнинг умумий суммасидаги j -манбанинг улуши.

1-жадвал

Қуйидаги маълумотлар асосида компания капиталининг баҳосини аниқланг:

Т/р	Компания маблағлари манбаларининг номи	Капитал қиймати, минг сўмда	Капиталдаги баъзи бир манбаларнинг салмоғи (%)да	Шу маблағ манбасининг баҳоси (%)да
I.	Ўз ва жалб қилинган маблағлар. Шу жумладан:	114.000	76,5	18
1.1	Имтиёзли акциялар	31.000	20,8	20

1.2	Оддий акциялар ва тақсимланмаган фойда	83.000	55,7	16
II.	Қарз маблағлари Шу жумладан:	35.000	23,5	16
2.1	Узоқ муддатли кредитлар	8.000	5,4	8
2.2	Қисқа муддатли кредитлар	27.000	18,1	20
	ЖАМИ	149.000	100	17,1

Юқоридаги формула асосида компания капиталининг ўртача тортилган баҳосини ҳисоблаймиз.

$$WACC = \frac{20 \cdot 20,8 + 16 \cdot 55,7 + 8 \cdot 5,4 + 20 \cdot 18,1}{100} = \frac{416 + 891,2 + 43,2 + 362}{100} = \frac{1712,4}{100} = 17,1\%$$

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Корхона молиявий инвестицияларининг зарурлиги нимада намоён бўлади?
2. Корхона қимматли қоғозлари портфеллари таркиби нимадан ташкил топади?
3. Қимматли қоғоз сифатига доир диверсификация мақсади нимадан иборат?
4. Инвестицион лойиҳаларнинг ҳаётийлигини баҳолаш, таҳлил этишда харажатлар ва уларнинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар нималардан иборат бўлади?

Топшириқлар

1. БҲМС №12ни ўрганиб унда молиявий инвестициялар тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилинг.
2. Корхоналарда инвестициявий стратегия турларини айтиб беринг.
3. Корхона қимматли қоғозлари бўйича амалий маълумотларни тўпланг ва таҳлил қилинг.
4. Портфел инвестициялар билан боғлиқ рискларни айтиб беринг.


10-мавзу. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА КОРХОНАЛАРДА МОЛИЯВИЙ РЕЖАЛАШТИРИШНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ЗАРУРИЯТИ ВА АҲАМИЯТИ

Режа:


1. Корхоналарда молиявий режалаштиришнинг моҳияти ва мазмуни.
2. Молиявий режалаштиришнинг корхона фаолиятидаги ўрни ва унинг кўрсаткичлари.
3. Молиявий режалаштириш тамойиллари ва усуллари.
4. Корхоналарда бюджетлаштиришнинг мақсади ва вазифалари.
5. Корхона молиясини бошқаришда оператив молиявий режалаштириш таснифи ва мазмуни.

1-топшириқ

Молиявий режалаштириш сифатли бўлиши қайси принципларнинг амал қилишига боғлиқ? Ушбу саволга жавобни қуйидаги чизмада асосланг:




Молиявий режалаштириш бир нечта услубларга таянган ҳолда амалга оширилади. Шулардан асосийлари булиб қуйидагилар ҳисобланади:




2-топширик

Молиявий режалаштириш сифатли бўлиши қайси принципларнинг амал қилишига боғлиқ? Ушбу саволга жавобни қуйидаги чизмада асосланг:



Молиявий режалаштириш бир нечта услубларга таянган ҳолда амалга оширилади. Шулардан асосийлари булиб қуйидагилар ҳисобланади:



3-топширик

Тест саволлари

1. Корхоналарда молиявий режалаштириш нима?

- А) корхона ривожланишини таъминлаш учун унинг ҳамма даромадлари ва пул маблағлари ишлатилиш йўналишларини режалаштириш
- В) Турли мулкчилик шаклларидаги тадбиркор корхоналар ва тадбиркор тадбиркорлар ёки тадбиркорлик молияси
- Д) Инвестицияга мулжалланган корхона қимматли қоғозларини муомалага чиқариш ва жойлаштириш
- Е) Жорий йил фойдасини таъсисчилар ўртасида тақсимланиши

2. Молиявий режанинг лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида нима аниқланади?

- А) пулли жамғармалар, амортизация фонди

В) реализация қилинаётган маҳсулотга харажатлар, маҳсулот реализациясидан тушум (выручка)

Д) оборот маблағларига эҳтиёж ва уни қоплаш манбалари, фойдани тақсимлаш ва ишлатиш

Е) барча жавоблар тўғри

3. Корхона молиявий режасининг асосий шакли нима?

А) Асосий воситалар харакати тўғрисидаги ҳисобот

В) Пул окимлари тўғрисидаги ҳисобот

Д) Харажатлар ва даромадлар баланси

Е) Корхонанинг ҳисоб сиёсати

4. Молиявий фаолиятни тезкор режалаштириш қанча даврга тузилади?

А) 3 йилгача

В) 1 йил

Д) Чорак, ойлар

Е) Муддат бўлмади

5. Ўтган ҳисобот даврининг молиявий натижаларидан хулоса чиқариб келгуси ҳисобот йили учун молиявий режани тузишни кузда тутати. Молиявий кўрсаткичларнинг прогноз ва режали ҳисоб китоблари турли усуллардан фойдаланишга асосланади. Бу молиявий режалаштиришнинг қайси усули?

А) Экстраполяция усули

В) Норматив усули

Д) Математик моделлаштириш усули

Е) Баланс усули

6. Қайси метод бўйича режалар тузиш ишлари «юкоридан» бошланади, яъни, корхона раҳбарияти мақсад ва вазифаларни аниқлайди, қисман фойда бўйича режа кўрсаткичларини ҳам. Кейин ушбу кўрсаткичлар деталлаштирилган, (яъни корхона бошқарув структурасининг пастроқ даражаларига тузиш билан) шаклда ички бўлим режаларига киритиб борилади.

А) break-down

В) build-up

Д) shut-down

Е) break-dance

7. Қуйидагиларнинг қайси бири молиявий режалаштириш тамойили эмас?

А) Илмий асосланганлиги

В) Узлуксизлиги

Д) Мақсадсизлиги

Е) Ўзаро боғлиқлик ва мувофиқлиги

8. Ҳозирги кунда молиявий режалаштиришга унчалик эътибор берилмаётганлигининг сабаби қайси жавобда тўғри келтирилган?

А) солиқ тизимидаги ўзгаришлар

В) хўжаликлар орасидаги алоқаларнинг бузилиши, ўзаро нотўловликлар

Д) хўжалик шарт-шароитларининг ўзгариши

Е) барча жавоблар тўғри

4-топширик

Корхоналар молиявий ҳисоботларидан фойдаланиб, унинг жорий бюджетининг тахминий режаси ва капитал бюджетининг тахминий режасини куйидаги шаклларда ифодаланг.

1-жадвал

Корхонада жорий бюджетнинг тахминий режаси

Кўрсаткичлар	Чорак бўйича жами	Шу жумладан, ойлар бўйича		
		Январ	Феврал	Март
I. Жорий харажатлар				
1. Материал харажатлар (харажатларнинг алоҳида моддалари бўйича)				
2. Асосий воситалар ва номоддий активларнинг эскириши				
3. Меҳнат ҳақи бўйича харажатлар				
4. Меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ажратмалар				
5. Солиқ тўловлари				
6. Бошқа бевосита харажатлар				
7. Жорий устама харажатлар				
Жами жорий харажатлар				
II. Операцион фаолиятдан даромадлар				
1. Маҳсулотларни сотишдан тушган даромадлар				
2. Бошқа операцион фаолиятдан тушган даромадлар				
Жами операцион даромадлар				
III. Маҳсулот баҳосига кирувчи солиқлар (ҚҚС, акциз ва бошқалар)				
IV. Соф даромад (II-III)				
V. Ялпи операцион фойда (IV-I)				
VI. Фойдадан тўланадагина солиқ тўлови ва йиғимлари				
VII. Соф операцион фойда (V-VI)				

Капитал бюджетнинг тахминий режаси

Кўрсаткичлар	Чорак бўйича жами	Шу жумладан, ойлар бўйича		
		Январ	Феврал	Март
Капитал харажатлар				
1. Бино ва иншоотлар сотиб олиш ёки куриш				
2. Машина ва механизмлар сотиб олиш				
3. Асбоб-ускуналар сотиб олиш (инвентар ва хўжалик жиҳозларидан ташқари)				
4. Номоддий активларни сотиб олиш				
5. Бошқа турдаги капитал харажатлар				
6. Инвестицион фаолият бўйича солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар				
7. Капитал харажатларнинг захираси				
Жами харажатлар				
Маблағлар тушумининг манбалари				
1. Инвесторнинг капитал харажатларни молиялашга йўналтирилган ўз маблағлари				
2. Акциядорлар (пайчилар)нинг пай бадаллари				
3. Молиявий лизинг				
4. Облигация эмиссияси				
5. Банк кредитлари				
6. Молиявий ресурсларни жалб этишнинг бошқа манбалари				
Жами маблағларнинг тушуми				
Маблағларнинг тушуми ва харажатларнинг қолиғи				

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Корхоналарда молиявий режалаштиришни қандай ташкил этиш лозим?
2. Корхонада молиявий режалаштириш қуйидаги вазифаларни ечишга хизмат қилади?
3. Корхонада молиявий режанинг аҳамияти қаерда билинади?
4. Корхона бюджети нима?
5. Корхонада бюджетлаштиришнинг қандай ижобий томонлари мавжуд?
6. Корхонада бизнес режанинг аҳамияти қаерда билинади?

Топшириқлар

1. Бирон бир корхона ўйлаб уни молиявий фаолиятини режалаштириб чиқинг.
2. Молиявий режалаштиришнинг асосий вазифаларини айтиб беринг.
3. “Корхоналарда молиявий режалаштириш” мавзусида кроссворд тузинг.
4. Корхона молиясини бошқаришда оператив молиявий режалаштиришни таснифлаб беринг.
5. Бюджетлаштиришнинг асосий вазифаларини айтиб беринг.

11-мавзу. КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИДА МОЛИЯВИЙ БИЗНЕС-РЕЖА

11.1-мавзу. Корхоналарда бизнес режанинг моҳияти ва аҳамияти

Режа:

1. Корхоналарда молиявий бизнес-режа тузишнинг аҳамияти ва моҳияти.
2. Молиявий бизнес-режани тузиш услуби.

1-топширик

Бизнес-режанинг қисмларида акс этирилиши лозим бўлган бандларни келтиринг

Умумий қисм	Ишлаб чиқариш режаси	Маркетинг режаси	Молия режаси	Ташкилий режа
1. Титул варағи				
2. Кириш қисми				
3. Тармоқ таҳлили				
4. Лойиҳа моҳияти				
5. Хатарлилик баҳоси				
6. Қўшимчалар				

Бизнес режалар тадбиркор учун қандай асосий вазифаларни ҳал этишда ёрдам беради:



2-топширик

Тасаввур қилинг, сиз 100,0 млн. сўмга эгасиз. Ушбу маблағдан фойдаланиб, қайси фаолият турини амалга оширишни бошлайсиз (қарор қиласиз)? Агарда сиз амалга оширмакчи бўлган фаолият учун маблағингиз етарли бўлмаса, қўшимча маблағларни қаердан жалб қиласиз?

Ушбу фаолиятни бошлаш учун бизнес режа тузишга ҳаракат қилинг. Унинг таркибини юқорида келтирилган шаклга солинг.

11.2-мавзу. Бизнес режанинг таркиби


Режа:

1. Бизнес-режанинг бўлимлари ва уларнинг таснифи.
2. Бизнес режанинг таркибий қисмлари.

1-топширик

Қуйидаги чизмани изоҳланг ва босқичлар кетма-кетлигини асосланг:

Бизнес режа тузилмаси




2-топширик

Маркетинг воситалари

- Ташқи муҳит таҳлили;
- Ички муҳит таҳлили;
- SWOT – таҳлил.



Бизнес режани тузишда маркетинг воситалари муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг турлари юқоридаги чизмада келтирилган. Ана шу воситалар орқали амалга ошириладиган таҳлил соҳаларини акс эттиринг (1-чизма):



3-Топшириқ

Корхоналар фаолиятида бизнес режани тузишда Маркетинг-Микс ва унинг элементлари аҳамиятини ёритинг.

Маркетинг воситалари (Маркетинг-Микс)



Таянч сўз ва иборалар

Бизнес-режа, ишлаб чиқариш режаси, молия режаси, маркетинг режаси, ташкилий режа.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Бизнес-режа нима?
2. Бизнес-режа қандай қисмлардан иборат?
3. Бизнес режани ишлаб чиқишдан асосий мақсад нима?
4. Бизнес-режанинг тахминий тузилиши нимадан иборат бўлиши мумкин?
5. Бизнес-режа тузишда қайси саволларга эътибор қаратилади?

6. Бизнес режани тузишда қандай стандартлар амал қилади?

Топшириқлар

1. Бизнес режа ишлаб чиқиш ва ишчи гуруҳни ташкил этиш жараёнини тавсифлаб беринг.
2. Бизнес-режанинг асосий вазифаларини айтиб беринг.
3. Бизнес-режани тайёрлашда керакли маълумотларни таҳлил қилинг.
4. Бизнес режа тахминий таркибини тавсифлаб беринг.
5. Бирон бир маҳсулотни ишлаб чиқиш бўйича бизнес-режа тузинг.

Баланс 1-қисм

Ўтган дарсда сен билан пул ҳаракати (Cash Flow) прогнозини ҳисоблаб чикдик. Бу ҳисоб-китобларимиз бизнесингда қанча пул борлиги, улар қаердан келиши, нималарга сарфланиши ва қанча маблағ қолишини ойма-ой кўрсатди.

Ундан олдин эса молиявий натижалар прогнозини ҳисоблаган эдик. У тушумлар миқдорини кўрсатади (ёдингдан чиқарма: тушум ва пул - хар хил нарса). Бунда қилинадиган харажатларни ҳам ҳисобладик ва яқунда олинадиган фойда ёки кўрилган зарарни чиқардик.

Пул оқимлари (Cash Flow) прогнозларини тузганимиздан кейин ҳисоб-китобларимизга бироз тузатиш киритишимизга тўғри келди, чунки молиявий харажатларимиз тўғрисида янги маълумотларни, яъни банкка тўланадиган фоизларни инобатга олишимиз керак эди.

Энди, учинчи муҳим ҳужжат - бухгалтерия баланси ҳақида гаплашиб оламиз.

Баланс мулкдор учун жуда муҳим саволга: “айни пайтда бизнес нимага эга?” деган саволга жавоб беради. У аниқ бир санада бизнеснинг пулда ўлчанган “салмоғини” кўрсатади.



Тадбиркорлигинг аҳволи, авваламбор, у нимага эгалиги билан белгиланади. Кафеингнинг бошланғич бойлиги нимадан иборат?

10 млн сўм пул, СВЧ-печ, 3 коп гуруч, бир коп сабзи ва 20 литр мой. Шундайми?

Бир қарашда шундай, лекин буларни шундайлигича балансга ёзиб бўлмайди. Балансда ускуна ёки масаллиқлар номлари бўйича эмас, балки мол-мулкнинг муайян гуруҳига тааллуқлилиги бўйича ҳисобга олинади. Бунинг устига мол-мулкнинг миқдори доналаб ёки килолаб эмас, балки пулда ҳисобланади.

Кел, бу нарсаларни молиячилар тилида ифодалаймиз: СВЧ-печ эмас – асосий восита, қоплардаги гуруч, сабзи масаллиқлар эмас – товар-моддий захиралар...Кафе фаолияти бошланганда 10 млн сўм пул мавжуд эди. Шундан 8 миллионини мен банкдаги ҳисобрақамига киритаман, яна 2 миллионини сиз бизнесимга 1 йилга қарзга беришни ваъда қилган эдингиз. Яна 1 миллион сўмлик асосий воситам бор - мен СВЧ-печни шунчага баҳолайман. Ва яна 1 миллион сўмим бор - товар-моддий захиралар шаклида (гуруч, сабзи ва мой).

Ҳа, бу бошқа гап. Буларнинг ҳаммасини бир сўз билан – активлар дейиш мумкин.

Активлар бу корхонанинг келажакда наф олиш ниятида ишлатиладиган мулки. Бунда активлардан олинадиган наф уларнинг турига қараб турлича бўлади. Масалан, масаллиқлардан тушадиган наф – улардан палов пишириш ва уни сотишинг мумкинлигида. Асосий воситалар ёрдамида сен маҳсулот чиқарасан. Пулдан тегадиган наф – улар сенга янги активларни сотиб олиш имконини беради. Активлар турлари кўп, лекин биз ҳозирча шу айтилганларнинг ўзи билан чекланамиз.



Сенинг активларингни жадвал шаклига келтираман:

	А	В
1	Актив номи	Актив қиймати (минг сўм)
2	Пул	10 000
3	Асосий воситалар	1 000
4	Товар-моддий захиралар	1 000
5	Жами активлар	12 000

Савол: бизнинг кафеимиз иш бошлаётганда илк активлар қаердан олинади? Улар осмондан тушмайди, албатта. Ҳар бирининг манбаи бор. Бу манбалар “пассивлар” деб аталади.



Бизнесингдаги активларнинг иккита манбаи мавжуд – сенинг маблағларинг ва мен берган қарз. Сен 10 млн сўмлик активларни киритасан (8 млн сўмини пулда ва 2 млн сумлик мол-мулк). Бу - сен устав капиталига киритган улуш. Бунинг эвазига сен таъсисчи ҳуқуқларини оласан – кафега эгалик қилиш, унинг фаолияти билан боғлиқ энг муҳим қарорларни қабул қилиш, дивидендлар олиш.

Устав капитали активларнинг таъсисчи томонидан киритилган манбаи сифатида пассив ҳисобланади. Фойда ҳам келгуси активларнинг худди шундай манбаи бўлади. Фойда бўлса, янги активлар ҳам – пул, дебиторлик қарзи, товарлар ва бошқалар пайдо бўлади.

Устав капитали ва фойда биргаликда хусусий капитални (ХК) ташкил қилади.

Хусусий капитал муайян муддатда қайтариладиган нарса эмас. Яъни корхона ўз таъсисчиларига нимадир қайтариши керак бўлган сана мавжуд эмас. Шу билан бирга ХК корхона активларининг қанча қисми таъсисчиларга тегишли эканлигини кўрсатади.

Тўғри тушундимми, хусусий капитал бу - мен бизнесга киритган пул ёки бошқа мулк дегани.

- Йўқ, нотўғри. Пул, ускуна ва масаллиқ - бу активлардир. Хусусий капитал эса киритилган барча активларнинг жами қиймати миқдоридagi корхонанинг таъсисчиларга қарзидир. Фарқини сезаяпсанми?



Масалан, мен ўз тадбиркорлигимга 10 млн сўм пулда ва 100 млн сўмлик автомашина киритдим.

Бизнес ушбу активларни қабул қилди, унинг ХК эса (менинг олдимдаги қарзи) 110 млн сўмни ташкил этди. Эътибор бер, 110 млн сўм дейилапти. Бунда киритилган пул миқдори ва автомашина нархи борасида аниқлик киритилаётгани йўқ. Кейинчалик киритилган пул бошқа активларни харид қилишга сарфланиши мумкин. Автомобиль эскириши ва ишдан чиқиши, сотиб юборилиши, аварияга учраб, ўз қийматини анча йўқотиши мумкин ва ҳ.к. Яъни мен ўз корхонамга берган активлар ишлатиб юборилиши мумкин. Лекин хусусий капитал (таъсисчи олдидаги қарздорлик) қолаверади. Шунинг учун уни активлар билан чалкаштирмаслигинг керак. Булар бутунлай бошқа-бошқа, солиштириб бўлмайдиган тушунчалардир.



- Тушунарли. ХК - бу бизнесимнинг менинг олдимдаги мавжуд қарзидир. Ваҳоланки, бизнес менинг олдимда қарздор экан, мен истаганимда бу пулни олишим мумкин экан-да?

Бу сени таажжублантириши мумкин. Лекин сенинг кафеингнинг бирорта ҳам активи сеники эмас. Бирортаси ҳам! Сен кондиционерни ёки кассадаги нақд тушумни шунчаки олиб кетиб, ўз эҳтиёжларингга ишлата олмайсан. Буларнинг ҳаммаси сен яратган фирманинг мулки. Шунини тушуниб етишинг керак-ки, бизнес пули ва сенинг шахсий пулларинг аниқ ажратилиши керак. Бунинг сабабларидан бири шундаки, хусусий капиталдан ташқари мазкур активларнинг бошқа манбаи ҳам бўлиши мумкин. Яъни корхонанинг бошқа шахслар - юридик ва жисмоний шахслар олдидаги мажбуриятлари. Сенинг мисолингда 2 млн сўмнинг манбаи мен сенга берган қарз. Ва бизнесинг 2019 йил 1 январда бу қарзни менга қайтариши керак.

- Демак, пасивлар таркибига нафақат хусусий капитал, балки бошқа мажбуриятлар ҳам кирар экан-да?

Тўғри. Мен сенинг тадбиркорлигингга қарз беришим билан унинг кредиторига айланаман. Менда 2 млн сўм 2019 йил 1 январга қадар қайтарилишини талаб қилиш ҳуқуқи пайдо бўлади. Лекин бу ҳали ҳаммаси эмас.

Масалан, таъминотчи ташкилот кафеингга икки ҳафта ичида тўлаб бериш шарти билан қарзга масаллиқлар берди. Унда сендан муддат тугаши билан тўловни талаб қилиш ҳуқуқи пайдо бўлади. Сенинг тадбиркорлик ишингга эса таъминотчи олдида мазкур қарз миқдоридан мажбуриятларнинг вужудга келади. Ва ҳоказо...

Мажбуриятлар жорий (қисқа муддатли) ёки узоқ муддатли бўлиши мумкин.

Жорий мажбуриятлар ўн икки ой давомида тўлаб берилиши керак.

12 ойдан ортиқ муддатда бажариладиган мажбуриятлар узоқ муддатли мажбуриятлар ҳисобланади.

Кел, энди 1.01.2018 йил ҳолатидаги активлар жадвалининг ўнг тарафига пасивлар устунини қўшамиз. Бу билан сен бизнесингни бошлаган пайтдаги балансни туздик ҳисоб.

Бошланғич баланс (сўмда)

	A		B	
1	Активлар		Пассивлар	
2	Пул	10 000 000	Устав капитали	10 000 000
3	Асосий воситалар	1 000 000		Қарз
4	Товар-моддий захиралар	1 000 000	Жами	
5	Жами	12 000 000		

Баланс - корхона аниқ бир санада нималарга эгалик қилаётган бўлса, шуларнинг (активларнинг) ва ушбу активлар қаердан келиб қолганлигини кўрсатувчи манбаларнинг (пасивларнинг) рўйхати. Кўриб турганингдек, активлар суммаси пасивлар суммасига тенг.

Тадбиркорликда ҳеч қандай активлар осмондан тушмайди. Уларнинг барчаси, истисносиз мулкдор-таъсисчилардан ёки қарз берувчилардан келади.

ЭСЛАБ ҚОЛАМИЗ



Баланс - корхона аниқ бир санада нималарга эгалик қилаётган бўлса, шуларнинг (активларнинг) ва ушбу активлар қаердан келиб қолганлигини кўрсатувчи манбаларнинг (пассивларнинг) рўйхати.

Пассивлар мажбуриятлар ва хусусий капиталга бўлинади.

Активлар суммаси ҳар доим пассивлар суммасига тенг, чунки истисносиз барча активлар корхонага таъсисчилар томонидан киритилган ёки қарз мажбуриятлари ҳисобидан келиб тушган.

Аслида баланс сўзи латинча “bilanx” сўзидан олинган. Бу икки товоқ маъносини англатади ёки тарозининг икки палласи деган гап. Бизнинг ҳам молиявий тарозимизнинг бир палласида барча активлар жойлашган, иккинчисида ушбу активларнинг барча манбалари - мажбуриятлар ва хусусий капитал ўз аксини топган. Бу мувозанат ҳеч қачон бузилмайди.

Баланс 2-қисм

Энди кейинги йилнинг 1 январига – кафе иш бошлагандан кейин бир йил ўтгандаги ҳолатга баланс тузамиз. Бунинг учун қуйидаги маълумотлардан фойдаланамиз:

Активлар:





- 1.** CashFlow бўйича пул қолдиғи – 21 505 950 сўм.

+
- 2.** Барча асосий воситаларнинг қиймати – 20 000 000 (бошланғич қиймат) айирув 4 275 000 (йиллик амортизация) = 15 725 000 сўм.

+
- 3.** ТМЗ қиймати – 1 000 000 сўмлик масалликларнинг кейинга даврга ўтувчи қолдиғи + 7 129 290 сўмлик масалликларнинг 7 кунлик захираси (декабрь охирида қарзга харид қилинади) $(5991 \times 170 \times 7) = 8\,129\,290$ сўм.

+
- 4.** Дебиторлик қарзи – Янги йил палови учун 2 000 000 сўмлик мижознинг қарзи.

=
- 5.** Жами активлар – 47 360 240 сўм.

Энди балансинг иккинчи тарафи – пассивлар хусусида гаплашамиз.

Сенинг мол-мулқинг осмондан тушиб колгани йўқ, у қаердандир вужудга келган. Савол туғилади – қаердан вужудга келган, бизнес кимдан қарздор?

Масалан, 2019 йил бошида кафедра маҳсулотлар учун ҳақ тўлаш бўйича 7 192 290 сўмлик мажбурият бўлиши аниқ. Бундан ташқари кафе ўтган йилнинг IV чораги учун 12 294 000 сўм ягона солиқ тўловини тўлаши ва менга 2 000 000 сўмни қайтариши керак бўлади. Жами мажбуриятлар – 21 423 290 сўм. Кимга яна бизнес қарздор бўлади?

Менга - устав капитали суммаси (10 000 000 сўм) ва бир йилда ишлаб топилган соф фойда суммасида (13 936 950 сўм). Булар биргаликда хусусий капитални ташкил қилади – 23 938 959 сўм.

Ҳаммаси тўғри. Энди пассивларнинг умумий суммасини ҳисоблаб кўр.

Улар 45 360 240 сўмга тенг.

Кейинги йил бошига баланс прогнози (сўм)

	A		B	
	Активлар		Пассивлар	
1				
2	Пул	21 505 950	Тўлашга счётлар	7 129 290
			Тўлашга ЯСТ	12 294 000
3	Асосий воситалар	15 725 000	Қарз	2 000 000
4	Товар-моддий захиралар	8 129 290	Жами мажбуриятлар	21 423 290
			Устав капитали	10 000 000
5	Дебиторлик қарзи	2 100 000	Соф фойда	13 936 950
			Жами хусусий капитал	23 938 950
6	Жами	47 460 240	Жами пассивлар	45 360 240

- Нимагадир активлар пассивлардан 2,1 млн. сўмга кўп. Улар тенг бўлиши керак-ку!

- Ҳа, активлар суммаси пассивлар суммасига тенг бўлиши керак. Агар улар тенг бўлмаса, демак, қаердадир хатога йўл қўйганмиз. Қилган хатоимизни топайлик..

- Нимада хатога йўл қўйганимизни тушунгандайман. Пул оқимларини ҳисоблаганда (5.4-жадвал, В) киримлар кўрсаткичларини 1.3-жадвалнинг L устунидан олганмиз. Бироқ, декабрьда пул кирими ва тушум бир бирига тенг эмас! Биз байрам палови учун бизга 3,6 млн. сўмга тенг жами суммани эмас, балки унинг бир қисмини - 1,5 млн. сўмни тўлашларини унутибмиз. Шу сабабли декабрь ойида пул кирими тушумдан 2,1 млн. сўмга кам бўлади!

- Балли! 5.4-жадвалнинг В19 катагидаги рақамни 2,1 млн. сўмга камайтир. Шунда 6.3-жадвали кўрсаткичлари ўзгаради. Қани, энди қанча чиқди?

- 45 360 240 сўм. Пассивларга теппа-тенг! Аллақандай сеҳр-жодуга ўхшайди.

- Бу жоду эмас, тўғрироғи — табиат қонуни. Ҳеч нарса ҳеч нарсадан чиқиб қолмайди. Сенинг кондиционерларинг, совуткичинг, СВЧ печкаларинг, пул ва маҳсулотларинг сен киритган бошланғич улуш, менинг қарз маблағим, банк кредити,

товарини қарзга сотган етказиб берувчи, бу йилги солиқларни келгуси йилда тўлашни талаб қиладиган бюджет, қолаверса, сен ишлаб топган фойда ҳисобидан вужудга келади.

Баланс прогнози (сўм)

	A		B	
	Активлар		Пассивлар	
1				
2	Пул	19 405 950	Тўлашга счётлар	7 129 290
			Тўлашга ЯСТ	12 294 000
3	Асосий воситалар	15 725 000	Қарз	2 000 000
4	Товар-моддий захиралар	8 129 290	Жами мажбуриятлар	21 423 290
			Устав капитали	10 000 000
5	Дебиторлик қарзи	2 100 000	Соф фойда	13 936 950
			Жами хусусий капитал	23 936 950
6	Жами	45 360 240	Жами пассивлар	45 360 240

- Яхши, унда нега пул кўпайиши суммаси ва фойда суммаси бир хил эмас? Дастлаб кафе ҳисобида 10 000 000 сўм бўлган, охирига келиб – 19 405 950 сўм бўлиб қолди. Пул 9 405 950 сўмга кўпайган, лекин биз кўпроқ – 13 936 950 сўм фойда кўрдик-ку. 4 531 000 сўм қаерга йўқолди?

- Фойда ва пул –бошқа-бошқа тушунчалар эканлигини сен билан аввал ҳам гаплашган эдик. Айни вақтда пул кўпайиши суммаси фойдага мос тушмаслигига қуйидагилар сабаб бўлади:

- Биринчидан, сенинг бизнесинг 19 000 000 сўмга асосий воситаларни (АВ) сотиб олади.

Бунинг учун бизнесинг пул сарфлайди, лекин ушбу тўловлар фойдага таъсир кўрсатмайди, чунки паловни тайёрлаш бўйича харажатлар мавжуд эмас.

- Иккинчидан, сен мазкур АВнинг амортизацияси учун 4 275 000 сўм харажат қиласан.

Ушбу харажатлар фойдага таъсир кўрсатади, уни камайтиради, лекин шу билан бизнесингда пул камайиб қолмайди.

- Учинчидан, декабрь ойида 3 600 000 сўмлик Янги йил палови дамланади, бу билан фойда кўпаяди. Бироқ шу ойда кафега аванс сифатида бор-йўғи 1 500 000 сўм келиб тушади, қолган сумма (2 100 000 сўм) дебиторлик қарзи бўлади.

- Тўртинчидан, IV чорак учун тўланган ЯСТ жорий йилда фойдани камайтиради, лекин кафе уни ҳақиқатда фақат кейинги йилнинг I чорагида тўлайди. Яъни IV чоракда фойда камаяди, лекин пул маблағларининг қолдиғи камаймайди.

Демак, шундай операциялар борки, улар пул оқимларида акс этади, лекин фойдада акс этмайди (ёки аксинча). Бундай операцияларга мисоллар қуйидаги жадвалда келтирилган:

Операцияларга мисоллар	Пул оқимларида акс эттириш	Фойда ва зарарда акс эттириш
Товар учун аванс олиш	✓	✗
Товарни 100% тўлов билан сотиш	✓	✓
Харидор қарзи шаклланиши (дебиторлик қарзи)	✗	✓
Сотилган товар тўлови бўйича қарздорликнинг сўндирилиши	✓	✗
Кредитни олиш ва қайтариш	✓	✗
Сотиб олинаётган АВ тўлови	✓	✗
Асосий воситалар амортизацияси	✗	✓
Дивиденд тўлаш	✓	✗
Солиқни ҳисоблаш	✗	✓
Солиқни бюджетга тўлаш	✓	✗

Фойдани, фойда ва пул оқимларига таъсир кўрсатадиган асосий омилларни билган ҳолда бизнесдаги «жонли» пулларнинг ўсишини ҳисоб-китоб қилса бўлади. Буни рақамлар ёрдамида кўриб чиқамиз:

Соф пул кирими

	А	
1	Фойда (+)	13 936 950
2	Амортизация (+)	4 275 000
3	Дебиторлик қарзи (-)	2 100 000
4	ЯСТ бўйича қарз (+)	12 294 000
5	АВни сотиб олиш (-)	19 000 000
6	Соф пул кирими	9 405 950
Баланс		

Бу ҳисоб-китобни батафсилроқ тушунтирай (6.4-жадвал). Эътибор бер: ишлаб топилган фойда (13 936 950 сўм) пул кўпайишидан (9 405 950) фарқ қилмоқда. Бунинг сабаби шундаки, айрим омиллар фойда ва пул оқимига турлича таъсир кўрсатади. Мазкур омиллар хусусида яна бир бор гаплашиб оламиз. Мана улар:

1. Амортизация. Амортизация ҳисоблаганда фойдани камайтирадиган харажат юзага келади. Лекин бу билан пул камайиб қолмайди. Шу сабабли фойдани пул кўпайишига «айлантириш» учун фойдани амортизация суммасига ошириш лозим. Бунинг учун биз 13 936 950 сўмлик фойдага 4 275 000 сўмлик амортизацияни кўшамиз.

2. Дебиторлик қарзи 2 100 000 сўмга кўпайган. Бу нима дегани? Бу биз тушумни мижозлар тўлаганига нисбатан 2 100 000 сўмга кўп олдик дегани. Тушум бизнинг фойдамизни ошириб берди, лекин бу билан пул кўпайиб қолгани йўқ. Шу туфайли фойда пул киримига олиб келиши учун фойдадан тушумнинг мижоз тўламаган қисмини чиқариб ташлаш керак бўлади.

3. Кредиторлик қарзи 12 294 000 сўмга кўпайди – бу 4-чоракда ҳосил бўлган ягона солиқ тўловидир. Бу дебиторлик қарзи билан бўлган вазиятга айнан ўхшашдир, лекин бу сафар қарзни биз тўламаган бўлиб чиқамиз. Солиқ юзага келганда (молиячилар айтганидек – ҳисобланганда) бизнинг фойдамизни камайтирадиган харажат вужудга келади. Лекин пул ҳеч қаерга кетмаган. Шу туфайли пул оқимини аниқлаш учун фойдани пул чиқиб кетишига олиб келмаган харажат қисмига ошириш лозим бўлади. Яъни 12 294 000 сўмни фойдага кўшамиз.

4. Ва ниҳоят, биз асосий воситаларни харид қилдик. Бу операция фойдага ҳеч бир тарзда таъсир этмади, лекин пулимиз 19 000 000 сўмга камайди. Ана шу тариха, фойда ва пул оқимларига турлича таъсир кўрсатадиган барча омилларни ҳисобга олгандан кейин биз бир ҳолат бошқасига қандай қилиб «айланиб қолиши»ни кўрдик.

Тушуняпсанми? Ҳозир текшириб кўрамиз. Қани, баланс прогнозини "ўкиб" кўр, унда қандай ахборот борлигини менга оддий тилда тушунтириб бер.

- Прогноз балансга мувофиқ 2019 йилнинг 1 январидан менинг кафеимда 45 360 240 сўмлик актив бўлади. Активлар – бизнесимга фойда келтирадиган ҳар қандай нарса. Бу активлар қуйидагилардан таркиб топган бўлади:

- асосий воситалар (электр самавори, СВЧ печкалари, кондиционерлар ва бизнесга 1 йилдан ортиқ давр мобайнида фойда келтираётган бошқа активлар) – 15 725 000 сўм;

- товар-моддий захиралар (озик-овқат маҳсулотлари ва фойда келтирадиган, лекин тез ишлатиладиган бошқа активлар) – 8 129 290 сўм;

- ҳисобрақамда ва кассада турадиган пуллар – 19 405 950 сўм;

- Янги йил олди палови учун мижозларим менга бериши керак бўлган пуллар – 2 100 000 сўм.

Энди мазкур активлар қаердан пайдо бўлиб қолганини айтиб бераман:

- 7 129 290 сўм – кафега маҳсулотларни кредитга сотган етказиб берувчи олдидаги қарз;

- 12 294 000 сўм – бу давлат олдидаги солиқ қарзи бўлиб, уни кейинги йилнинг 15 февралига қадар ЯСТ кўринишида қайтариш керак бўлади;

- 2 000 000 сўм – сизнинг олдингиздаги қарзим. Уни кейинги йилнинг бошида қайтаришим керак;

- 10 000 000 сўм – кафенинг менинг олдимдаги қарзи. Ахир мен уни ташкил этаётганда устав капиталини берганман-ку! Уни мен фақат бизнесим сотилганда ёки тугатилганда тўлиқ қайтариб олишим мумкин;

- 13 936 950 сўм – бу ҳам бизнесимнинг менинг олдимдаги қарзи. Бу йил давомида ишлаб топиладиган фойдадир. Мен уни тўлиқ олиб кўйишни истардим, лекин аввал кўрай-чи, у кейинги йилги пул оқимларига (CashFlowга) қандай таъсир кўрсатар экан.

- Ҳаммаси тўғри! Аминманки, сен баланс бизнесинг ҳолати ҳақида нималарни гапирётганини тушуниб етдинг!

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.
2. Abdulkarimov B.A. va boshq. Korxonalar iqtisodiyoti. Darslik. – T.: Fan, 2013.
3. Raximov M. Iqtisodiyot subyektlari moliyaviy holatining tahlili. O’quv qo’llanma. – T.: Iqtisod-moliya, 2013. – 392 b.
4. Vahobov A.V., Jo’raev A. Soliqlar va soliqqa tortish. Darslik. –T.: Sharq, 2009. – 526 b.
5. Vahobov A.V., Malikov T.S. Moliya. Darslik. Toshkent Moliya Instituti. – Toshkent: Noshir, 2012. - 712 b.
6. Алешин В.А., А.И. Зотова. Финансы. - Ростов н/Д: Феникс, 2009. – 346 с.
7. Алимов И.И. Молия. Ўқув қўлланма. - Т.: Тошкент, 2007. - 108 с.
8. Акрамов Э. Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили. – Т.: Молия, 2003.
9. Барулин С.В. Финансы. – М.: КНОРУС, 2010. – 640 с.
10. Ваҳобов А., Маликов Т. Молия: умумназарий масалалар. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2008. - 316 б.
11. Ваҳобов А. ва бошқ. Молиявий ва бошқарув таҳлили. Дарслик. Т.: Шарқ. 2005.
12. Корхоналар молияси. Дарслик / Ж.Р.Зайналов, С.С.Алиева, З.О.Ахроров ва бошқ. – Тошкент: 2018. – 265 б.
13. Ковалева В.В. Финансы. Учебник. М.: Проспект, 2008. - 640 с.
14. Ковалева В.В. Финансы организаций (предприятий). Учебник. – М.: Проспект, 2010. – 352 с.
15. Маликов Т.С. Молия: хўжалик юритувчи субъектлар молияси. Ўқув қўлланма - Т.: Иқтисод-молия, 2009. - 288 б.
16. Маликов Т.С., Ваҳобов Д.Р. Молия: чизмаларида. – Т.: Иқтисод-молия, 2009. - 660 б.
17. Романовского М.В., Врублевской О.Б., Сабанти Б.М. Финансы. – М.: Высшее образование, 2010. – 462 с.
18. Юлдашев З.Ю., Маликов Т.С. Молия: Уй хўжаликлари молияси. Ўқув қўлланма. - Т.: Иқтисод-молия, 2008 й. - 112 б.
19. Зайналов Ж.Р., Расулов З.Ж., Ахроров З.О. Корхоналар молияси. Маърузалар матни. – Сам.: СамИСИ, 2015. – 160 б.
20. Atrill Peter. Financial Management for decision makers. – 5th ed. England. 2009.
21. Richard A. Brealey, Stewart C. Mayers. Principles of corporate finance. – 5th ed. United States. McGraw-Hill. 1996.
22. Tax loopholes. Everything the Law Allows. Boardroom Classics. 1995.
23. Фёдорова Е.А. Финансовая среда предпринимательства и предпринимательские риски. Учеб. пос. – М.: КНОРУС, 2010. – 306 с.
24. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги портали
25. www.gov.uz - Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати сайти
26. www.mf.uz - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги расмий сайти
27. www.soliq.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитасининг расмий сайти.
28. www.ziynet.uz - билимлар сайти
29. www.iqtisodiyot.uz- «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» электрон журнали сайти.

Самарқанд иқтисодиёт ва
сервис институти
Институт босмахонаси,
Шохрух кўчаси, 9

Буюртма №
Ҳажми 5,8 б.т.
Адади нусха

